Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
12 сон
20 — 26 март, 2008 йил

# НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК!



Суратчи — Шавкат СУЛТОН

## “Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун наврўз!”

Сен келган кундан айланай ўзим Наврўзим! Дов-дарахтлар гулга бурканди. Онам айтар эдилар: “Наврўз келсин, сочларингга толбаргак тақиб қўяман”.

Толбаргакли қизларимнинг байрами ўзинг, қизалоғимга айтаман: “Наврўз куни толбаргаклар тақиб қўяман сочингга. Куну тун тенг бўлган улуғ айёмда фарзандларимга, азиз қадрдонларимга тилаклар тилайман.

***Наврўзим, сен келдинг***
***ризқ-рўз келди,***
***Наврўзим, юракдан***
***ғам-андуҳ кетди...***

Мен кеча қабристонга бордим. Азизларим ётган тупроқлар устида чучмомалар уйғонибди.

Наврўзим, сен ўтган жигарпораларимизнинг руҳини шод қилиш учун кириб келасан. Таниқли бир ёзувчимиз айтганларидай, баҳор гулзордан эмас, қабристонлардан бошланади. Эй, менинг теварагимдаги фоний дунё эгалари! Наврўзингиз қутлуғ бўлсин ва шу кунда муаттар боғларни қўйиб, абадиятга юз тутган ўтганларни эсланг. Ёд этинг. Тиловат қилинг.

Наврўзим, сен тириклар байрамисан. Кўнглида эгрилиги борларга тўғрилик, ёмонларга яхшилик, манманларга камсуқумлик, йўлдан адашганларга ҳидоят келтирувчи улуғ сифатсан. Яхшиларга яхшилик, омадли инсонга яна бир омад, кўнгли тозага покизалик, сийрати сафога бокиралик бағишловчи соҳиби айёмсан.

Биз тўптош уйнардик. Биримиз аразлардик, биримиз кулардик. Биримиз ютқазардик, биримиз ютардик. Онам айтар эди: “Болаларим-ей, дунёнинг ишлари шунақа, кимдир кўлар, кимдир йиғлар-да”, кейин бошимизни силаб: “Наврўз келсин, ҳаммангизга сумалак пишириб бераман, ҳаммангиз роса яйрайсиз”. Бу қаҳрабо сўзларнинг маъносига кейин етдим. Наврўзим сен адолат байрами экансан. Дугонам узоқ йиллар қиз фарзанд кўрмади. Эри ташлаб кетди. Йўқ, юраги бутун йигит экан. Қайтиб келди. Икки ўғилнинг отаси навбаҳор насимлари эсган кунларнинг бирида туғруқхонадан катта ўғли Жавоҳирга телефон қилди.

- Ўғлим, сингиллик бўлдинг. Исмини нима қўямиз.

- Наврўзой қўямиз, - ва яна қўшиб қўйди, - энди ҳар куни Наврўз бўлсин!

Ўша Наврўзой ҳозир ўн етти ёшга тўлди. Мустақиллик ҳақида шеърлар битаяпти. Ёзмишларининг остига Наврўзой, деб ёзиб қўяди.

Наврўзим, ўзингдан ўргилай. Менинг бобом диний китоб ўқиганлиги учун ёмонларнинг асоратига тушган. Катта бувим Қуръонни шойи матога ўраб, ёстиқларининг остида асрар эдилар.

Наврўзим, пешонангни силаб, манглайингни силаб, қулоғингга шу сўзларни айтаман, холос.

“Юртимизга нурафшон кунлар келди. Юртбошим келди. Юрагимиздаги тоғдай армонлар йиқилди. Бирбиримизга, Аллоҳга беҳад шукрлар бўлсинким, меҳрибон бўлиб қолдик. Қадриятларимиз тантанаси, миллатимиз ифори кўнглимизни тоғ қиладиган хазиналаримиз яна юз очди”.

Баъзан йўлдан адашганларга айтаман: “Эҳ, ношукр кимсалар-а, шу кунларнинг қадрини бир ўйлаб кўрмайсизми, ўтганларнинг оҳ-фарёдини ҳис этмайсизми? Ўзингга шукр, демайсизми?”

Наврўзим, сен поклик, покизалик, азизлик тимсолисан. Қошингда бош эгаман. Аввало, Яратганга шукр. Қолаверса, тинчликпарвар, элпарвар юртбошимиз бор экан, халқимизнинг қадди ҳам, кўнгли ҳам баланд.

***Бу кунларга етганлар бор,***
***етмаганлар бор...***

Мен кўнглимдан сачраган туйғуларни Наврўз арафаси қоғозга туширдим. Сиз ҳам ўйлаб кўринг, Наврўзи бор юртда яшашнинг ўзи бир Бахт, ўзи бир Тахт эмасми?

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**журналист.**

## СУМАЛАК

***Ҳаммамиз давра қуриб,***
***Ширин хаёллар суриб,***
***Дошқозонга ун солдик,***
***Шарбати ширинболдек.***

***Фариштилар таоми,***
***Сумалак биқ-биқ қайнар,***
***Онажонлар каломи,***
***Хайрли дуо айлар.***

***Дугоналар жам бўлиб,***
***Тош ташладик қозонга,***
***Ширин суҳбатлар қуриб,***
***Шукрона деб замонга.***

**Сумбула ҚОДИРОВА,**
**Қарши педагогика коллежининг 2-босқич талабаси.**



Суратчи—Абдуҳаким ЗОЙИРОВ
Самарқанд вилоят, Қўшработ тумани.

## БАҲОР ИЛҲОМЛАРИ

***Аёл-Наврўз эгизак,***
***Олам кўксига безак.***
***Бутун олам саҳнида,***
***Қўша гўзаллик демак.***

***Аёллардир малаклар***
***Гўдаклар пок юраклар,***
***Дуо қилса гўдаклар,***
***Ижобатдир тилаклар.***

***Аёл севса эр бахти,***
***Болалар гул дарахти.***
***Гўдаклардан яралгай,***
***Уйда саодат тахти.***

***Аёл-Наврўз эгизак,***
***Олам кўркига безак,***
***Бола, аёлин асрар,***
***Ўзбек деган мард эркак.***

**Ҳайдар МУҲАММАД**

***Ёмғирлар силади замин юзини,***
***Сочилди оламга кўклам нафаси,***
***Эритди тоғларнинг асрий музини***
***Ўлкамга жилмайиб келганда Наврўз.***

***Бойчечак куйлади ҳаёт қўшиғин***
***Кенг боғлар юзини қоплар яшил сўз,***
***Эй юрак, мудом сен қайнагин, жўшгин***
***Қалбимни эгаллаб олганда Наврўз***

***Тоғларда жимирлаб кўринар булоқ***
***Камалак гўёки ўқи йўқ камон,***
***Бугун яна юрак шеърий шошқалоқ***
***Кўнглимга ишқ каби кулганда Баҳор.***

**Дилноза ИСАЕВА**

***Қуёш бунча ёрқин, ёқимли,***
***Сувлар жимир-жимир оқимли.***
***Кўм-кўк осмон, кўм-кўк замин***
***Гуллар чаккаларга тақимли.***

***Баҳор келди юртга, оқ баҳор!***

***Адир лолалардан қизарар,***
***Олча эса майин жилмаяр.***
***Янги чиққан сут тиш сингари***
***Майса ёруғ кунга ниш урар.***

***Ёруғ кун келди-ку, бу баҳор!***

***Чопа қол болакай, чопа қол,***
***Ғиркўк бўлсин хивич—кўм-кўк тол.***
***Сенинг каби маъсум навбаҳор,***
***Бутун дунё—бари сенга, ол.***
***Ахир баҳор келди, зўр баҳор!***

**Муталиф СОДИҚОВ**

# Еру кўкда, кўнгилларда Наврўз...

## У БАҲОРГА ЎХШАЙДИ

**Ҳурматли таҳририят!** *Мен телевидение орқали «Азизим» ўқув маркази раҳбари Зуҳра Раҳматуллаева ҳақидаги кўрсатувни кўргач, унинг матонати, сабру бардошига қойил қолдим. Аслида менинг ҳам кўнглим ярим. Имконияти чекланган бўлишига қарамай, Зуҳра опага ўхшаш қийинчиликлардан ғолиб келиб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олган инсонларга ҳавас қиламан, руҳий қувват оламан. Илтимос, севимли газетам саҳифаларида Зуҳра Раҳматуллаева ҳақида мақола берсангизлар. Яна бир гап— мен яхши одамлар билан мактуб орқали дўстлашсам, дейман. Менга мактуб ёзинглар.*

**Сабоҳат ЖЎРАЕВА,**
**Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани,**
**У. Туропов жамоа хўжалиги.**





### *Илтимосингизга биноан*

"Азизим" ўқув маркази Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Ботир Бобоев кўчасидаги 142-уйда жойлашган экан. Марказ яқинда Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси мақомини олди. Унда ҳозир 568 нафар хотин-қизлар касаначилик билан шуғулланади. Попопчилик, тикувчилик, зардўзлик, бисер тикиш, расм чизиш, компьютер ўрганиш бўлимлари мавжуд. Ассоциациянинг очилишидан кўзда тутилган асосий мақсад, уйда ёлғизликдан зериккан, ўзгаларнинг парваришига муҳтож, бир сўз билан айтганда имконияти чекланган инсонларни бирор меҳнат тури билан банд этиш. Уларни боқимандалик кайфиятидан чиқаришдир. Ҳаракати билан ўзини-ўзи эплаган, таъминлаган одам бировнинг ёрдамига қараб қолмайди. Аксинча, бошқаларга фойдаси тегади.

Ассоциациянинг олтита вилоятдаги филиалида юзлаб ишбилармон ногиронлар ўз фаолиятини юритмоқда. Моҳира, Дилноза, Ферузалар тиккан бири-биридан чиройли, нақшлари бетакрор зардўзлик буюмларини кўрганда улар ногирон қизларнинг иши эканлигига дастлаб ишонмайсан киши. Лекин бу рост.

Зуҳра опа суҳбат орасида узоқ йиллар тўшакка михланиб қолганини айтган эди. Мени оғир аҳволда ётган инсон қандай қилиб ўзини тутиб кетдийкин, деган савол қизиқтирарди.

- 1988 йили иккинчи эгизак - Ҳасан 28 ёшида оламдан ўтиб қолди, - дейди Зуҳрахон ҳазин товушда. - Шундан сўнг аҳволим оғирлашди. Бормаган касалхонам, учрашмаган докторим қолмади. 36 ёшимда икки ой ичида уч марта мураккаб операцияни бошимдан кечирдим. Фойдаси бўлмади. Энди тушкунликка тушгандим. Тўққиз қаватли уйнинг тўртинчи қаватида ўз хаёлларим билан ёлғиз қолган кезларим мана бу шеърни ёзганман.

***Ташлаб кетди мени***
***муҳаббат,***
***ташлаб кетди ёру***
***дўстларим,***
***Рутубатга тўлиб ёш қалбим,***
***армонларга тўлди***
***кўзларим.***

Радиодан бир ногирон бола ҳақида эшиттириш берилди. Унга атаб шеър ёздим. Редакцияга қўнғироқ қилиб ўша эшиттиришни тайёрлаган журналистга шеъримни ўқиб бердим. - "Овозингиз жуда ширали экан. Бир келиб-кетмайсизми?" - деди. Боролмаслигимни айтдим. Ўзи излаб келди. Шундан сўнг мен билан қизиқиб қолган тележурналист Умида Усмонова "Азизим" кўрсатувига таклиф этди. Кўнгли кемтик инсонлар учун ўқув маркази очиш ниятим борлигини айтдим. Халқимиз бағри кенг, савобталаб. Холис ёрдам берувчилар, ҳомийлар ҳам топилди. 1999 йилнинг 1 мартида "Азизим" ўқув маркази ишга тушди. Дастлаб бу ишни "уддалармикан", деганлар, ишларим юришиб кетгач эса, иш жойимга кўз тикканлар ҳам бўлди. Шундайларга қарата:

***Боғимга тошлар отманг,***
***гулларимга тегади,***
***Ортимдан тошлар отманг***
***курагимга тегади.***
***Лаҳча-лаҳча чўғ бўлган***
***Юрагимнинг дарди бор,***
***Шу бир ёруғ дунёда менинг***
***ҳам умидим бор,***

- дея шеър битдим.

Мен учун энг азиз нарса бу— ҳаёт... Шу ҳаётдан бошқа қадрлироқ нарсам йўқ. Бахтим шундаки, марказимизда юзлаб қизлар ҳунар ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетмоқда. Одамларга фойдам тегаётганидан бахтиёрман. Ишимнинг орқасидан дунё кўрдим. Дўст орттирдим. Ўн мингдан ортиқ китобларим бор. Шулар ичида ўзимга бир ватан топдим.

Зуҳрахон ўқиган, зиёли инсон. Энг оғир дамларда ҳам бировга қараб қолмаслик йўлларини излади. Компьютерни ўрганиб, ундан интернетга боғланди. Ўзига тақдирдош инсонлар билан электрон почта орқали танишди. Уларнинг ҳаёт тарзини ўрганди. Чин дилдан меҳнат қилган, фидойи инсонлар албатта ўз қадр-қимматини топади. "Шуҳрат" медали, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Зуҳра Раҳматуллаевани тингларканман, унинг порлаб турган гўзал қорачиқларида ҳаётга, одамларга муҳаббат лиммо-лим эканлигини туйгандай бўлдим.

Зуҳрахоним баҳор фаслини ёқтираркан. Зеро баҳор табиатга қайта жон бағишлайди. Зуҳрахоннинг ишларида ҳам бу фаслга ўхшашлик бор.

**Дилором ИСМОИЛОВА**



## НИЯТИМИЗ ЭЗГУ

Баҳор фасли деҳқон, чорвадор ҳаётининг энг қизғин палласи. Чунки ёзу кузда етиладиган бутун бир йиллик ҳосилнинг пойдевори айни шу пайтда тикланади. Биз қаҳрамонимиз—Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги "Шоҳида"фермер хўжалиги раҳбари Шоҳида Абдурашидова билан Наврўз байрами арафасида учрашдик. У шундай ҳикоя қилади.

- Хўжалигимизда мен билан бирга турмуш ўртоғим, фарзандларим ҳам теппа-тенг меҳнат қилишади. Азал -азалдан меҳнатда тобланиб яшаганмиз. Фермер хўжалигимиз 2000 йилда ташкил этилди. Даставвал иш бошлаганимизда бизга ажратилган ер 17,3 гектар эди. 2003 йилда ер майдонимиз 36,5 гектарга айланди. Ҳозирда ўн икки нафар ишчи бор. Уларга барча шарт-шароитлар муҳайё. Асосий ишчи кучи ўзимиз. Ернинг ўзимизники бўлгани бошқача бўларкан. Бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланиш йўлларини ўйлаб қоларкансан киши. Кечаси-ю - кундузи далада меҳнат қилиб ҳеч биримиз чарчадик демаймиз.

Юртбошимиз фермерларга катта йўл очиб бердилар. Кимки тер тўкиб яхши меҳнат қилса, унинг роҳатини ҳам кўраяпти. Ер майдонимизнинг 9 гектари пахта экишга мўлжалланган. Ўтган йил ҳосилимиз мўл бўлди. Ҳар бир гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани 115 фоизга бажардик.

Хўжалигимизда пахта, буғдой, боғ, полиз экинлари етиштирамиз. Чорва молларимиз ҳам бор.



13 гектар ерга чорва маҳсулоти учун беда экдик. Ер майдонининг бўш ётган чекка ҳудудларига минг тупдан ортиқ терак кўчати экдик. Халқимиз дастурхони тўкис бўлсин, деймиз. Келгусида янги ишчи ўринлари ташкил қилиб, ёшларни иш билан таъминлаш ниятидамиз.

**Миробид МИРСОДИҚОВ**
**ёзиб олди.**

## БОЛА МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

### *Ўзбекистон Болалар жамғармасида*

Яқинда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва вилоят бўлимларининг 2007 йилдаги фаолияти ва Ёшлар йилидаги режалари ҳақида маъруза қилди.

Нотиқ маърузаси аввалида Ўзбекистон Болалар жамғармаси ташкил этилганига бу йил 20 йил тўлганлигини қайд этди.

- Жамғармамиз ва унинг вилоятлар бўлимлари фаолияти 2007 йилнинг мақсадли дастури ва "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури"ни бажаришга қаратилди, - деди маърузачи. - Жумладан, қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга оширдик: - Аҳолининг ночор қатламлари - муҳтож оилалар, етим, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш; - Оила қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; - Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; - Оилани мустаҳкамлаш, болаларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодий шароитлар яратиш; - Болаларнинг ҳуқуқий билим даражасини ва ижтимоий фаоллигини ошириш.

Жамғармамиз томонидан Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ва болаларни қўллаб-қувватлаш борасида тегишли идоралар, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳайрия тадбирлари ўтказилди. Мурувват ёрдами тарқатилди.

Бола ҳуқуқлари ва соғлом турмуш тарзига оид тарғибот-ташвиқот ишлари кенг кўламда олиб борилди. 460 тадан ортиқ учрашув, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилди.

Ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сурункали дарс қолдираётган, соғлиғига зарар етказадиган ишларда ишлаб юрган болаларни мактабга қайтариш, касб-ҳунарга ўргатиш, тўгаракларга жалб қилиш чоралари амалга оширилди.

- Қаровсиз қолган кўча болалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент шаҳар "Меҳр таянчи" Маркази қошида 4 ойга мўлжалланган 20 та бола учун вақтинчалик ётоқхона ташкил этилди.

Ички ишлар вазирлиги билан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўйича ҳамкорлик ишлари янада такомиллашди. Шу мавзуда семинар-тренинглар ташкил этилди.

Пленумда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳақида ҳам гап борди.

Пленум йиғилиши муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Жумладан, болалар ва ўсмирларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури, "Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича" Ҳаракат дастури ва БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларининг бажарилиши бўйича Миллий дастурни амалиётга тадбиқ этиш ЎЖБнинг вилоят бўлимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Болалар жамғармасининг асосий йўналишлари деб белгиланди.

**Ўз мухбиримиз**

## БАҲОР ИЛҲОМЛАРИ



Суратчи — Шавкат СУЛТОН

*Қирларда уфурар баҳорий нафас,*
*Юракда уйғонар илоҳий ҳавас,*
*Кўкламим сен-ла ғам бўлади абас,*
*Кўзларда порлаган чақноқ юлдузим,*
*Хуш келдинг баҳорим, ўлмас Наврўзим.*

*Боғларда бойчечак шодон рақс этар,*
*Майин ёмғиринг-ла ғуборлар кетар.*
*Сенинг бир қувончинг оламга етар.*
*Кўзларда порлаган чақноқ юлдузим,*
*Хуш келдинг баҳорим, ўлмас Наврўзим.*

*Юракка ишқ ўтин ташлаган гулим,*
*Боқий анъаналар бунчалар сўлим,*
*Кўз тикдим йўлингга кўксимда қўлим,*
*Кўзларда порлаган чақноқ юлдузим,*
*Хуш келдинг баҳорим, ўлмас Наврўзим.*

*Уйғониш куйига ярашар ҳашар,*
*Ҳалол нон топган эл рисқини ошар,*
*Сен билан бу олам қайта ёшарар,*
*Кўзларда чақнаган чақноқ юлдузим,*
*Хуш келдинг баҳорим, ўлмас Наврўзим.*

*Ўзинг-ла бир олам қувонч олиб кел,*
*Этакка бир дунё ризқ-рўз солиб кел,*
*Муҳаббат ишқ билан тўлиб-тошиб кел,*
*Кўзларда чақнаган порлоқ юлдузим,*
*Хуш келдинг баҳорим, ўлмас Наврўзим.*

**Дилдора ЮНУСОВА**

*Турфа ранг гуллардан либослар кийиб,*
*Товусдай товланар гулбадан баҳор.*
*Интиқ юракларда илинж уйғотиб,*
*Ажиб бир насимлар эсар ҳар саҳар.*

*Чечаклар юз очиб, чирой кўрсатиб,*
*Ҳақнинг санъатига ҳавас уйғотар.*
*Қалдирғоч "Валфажр" сурасин ўқиб,*
*Аҳли ишқ дарсида зикр ўргатар.*

*Кўм-кўк майсазорда лола олови,*
*Гулкоса тўла май, мастдир булбуллар.*
*Тилида қаҳ-қаҳа, қўлда ялови,*
*Самонинг кўзёши ерга дувуллар.*

*Шамоллар фош этар чучмома сирин,*
*Хушбўй ис таралар, туйғулар ҳафиф.*
*Муҳаббат туғёни дилда яширин,*
*Шудир "келинчак"ка берилган таъриф.*

**Абдулғани СУЛАЙМОН**

*Боғ далалар кўк кийсалар баҳорда,*
*Шўх булбуллар сайраса тонг саҳарда,*
*Зилол сувлар шивирласа анҳорда,*
*Шодлигимдан қувнаб кетгим келади,*
*Қўшиқ айтиб ўйнаб кетгим келади.*

*Гўзал қизлар гулларга дил очсалар,*
*Шўх йигитлар қизларга гул тутсалар,*
*Муҳаббатнинг гулобидан тотсалар,*
*Шодлигимдан қувнаб кетгим келади,*
*Қўшиқ айтиб ўйнаб кетгим келади.*

*Наврўз келса баҳор билан элимга,*
*Олам-олам қувонч тўлар дилимга,*
*Шеър ёзмоққа бир сўз келса тилимга,*
*Шодлигимдан қувнаб кетгим келади,*
*Қўшиқ айтиб ўйнаб кетгим келади.*

*Бобо деҳқон чиқса дала йўлига,*
*Меҳр билан кетмон олса қўлига,*
*Парвардигор ризқ берса шу элимга,*
*Шодлигимдан қувнаб кетгим келади,*
*Қўшиқ айтиб ўйнаб кетгим келади.*

**Назира БОЙМУРОДОВА**

# БИР ЯХШИГА БИР ЁМОН...

**Эр-хотинлар тоифаси**

Аллоҳ ҳамма жонзотларни бир-бирига мослаб жуфт-жуфт қилиб яратиб қўйган. Инсонларни ҳам шу зайлда жуфти билан яратган. Фақат жуфти билан эмас, ҳатто, бир яхшига бир ёмонни рўпара қилиб қўйган. Шу боис, жуфтларнинг баъзан эркаги яхши, аёли унинг тескариси бўлади ва аксинча. Улар шундай жуфтланмаганда эди, ким билади дейсиз "тескарилари" яъни ақлсизлари бир-бирига қўшилиб, қандай яшаб, бола-чақа бўлиб кетар эдилар... Ота-оналар ўғил-қизларини тенг-тенги билан жуфтлашга қанча уринмасинлар, турмушда бир-бирига "тескари" жуфтлар қўшилиб қоладиларки, уларга қараб туриб Парвардигорнинг ишларига ҳайрон қоласан киши...

Мен анчадан бери танийдиган, ёшлари элликдан ошиб қолган эр-хотин худди шулар тоифасидандир. Олим эр-Раим ака шу қадар фариштали инсонки, у киши бор жойда шу жойга, улар иштирок этган йиғинга, улар қатнашган тўй-ҳашамга, ҳатто, азаю таъзияларга ҳам файз киради. Одамлар гавжум бўлади. Хонадон тўлиб кетади. Биламанки, у одам бировнинг ҳақига, "енг ичида берари"га илҳақ бўлмайдиган, таъмагирлик қилмайдиган, чиройли одобу гўзал хулққа эга бўлган покиза одам. Хушқомат, хушфеъл, хушсийратлик уларга хос. Юзларидан ҳаётий маъно, кўзларидан нур, сўзларидан дур ёғилиб туради. Улар қаерда бўлмасинлар атрофлари катта-ю кичик суҳбатдошларга тўлиб кетади. Анча ақлли гапларни, сермазмун фикрларни, теран насиҳатларни эшитасан киши, улардан. Табиат ундайларга одамларни орқадан эргаштириб бориш лаёқатини берган: ёшларни маърифатга чорлаш, уларга илм бериш, ҳофизаларини зиё нури билан ёритиш қисматини юклаган...

Энди, Аллоҳ таолонинг ишини қарангки, шундай олийжаноб кишига, айтиш мумкинки, жўнгина бир аёлни ёстиқдош қилиб қўйган. Ҳатто, исмлари ҳам ўзларига ярашмаган-Фаросатой. Аммо, тиббиёт институтини тамомлаб педиатр-врач деган мутахассисликни олганлар. Болалар поликлиникасида ишлайдилар. Улар шу даражада фаҳм-фаросатда йўқларки, бир куни поликлиникага у ер-бу ери тешилган пайпоқ кийиб келибдилар. Ҳамкасабалар уларнинг бу аҳволини кўриб:-"Фаросат опа, нимани кийиб келдингиз?", дейишса, кулиб,-"Нима бўпти?", дер эмишлар. Яна бир куни ҳаво совуқроқ экан, бошларига шарф деб сочиқни танғиб келибдилар. Ходимлар яна таажжубланиб қолишибди. Бир опа олти яшар боласини улар қабулига олиб келган экан, оғриётган қорнига кўк дори суртиб чиқариб юборибдилар. Замонавий шифокор бўла туриб,-"Бизни ўқитган домламиз шундай қилар эди",-деб фонендоскоп ишлатмай боланинг очиқ кўкрагига қулоқларини қўйиб эшитиб кўрар эканлар. Кунларнинг бирида қизиқ воқеа юз берибди. У киши бир онага боласининг нажасини олиб келиб топширишни буюрибдилар. Она "хўп" дебди-ю, эртасига боланинг нажасини лабораторияга эмас, дўхтирнинг ўзларига олиб келиб берибди. Бир пайт бўлим мудири улар кабинетига кириб қолса, Фаросат опа нажасни пахта пилтали чўп билан титиб ўтирган эмишлар. - "Ҳой, Фаросат Холдоровна нима қилаяпсиз?"-деб сўраган экан, улар ҳеч бир пинакларини бузмай: "Гижжа бор-йўқлигини текшираяпман",-дер эмишлар. Мудир: "Бу ишни лабораторияда махсус мутахассис лаборант бажаради-ку", деса, яна ўз билганларидан қолмай: "Дўхтир бўлиб ўзим ишонч ҳосил қилмоқчиман", дебдилар. Бошқа куни бўлса, яланғоч болани кабинетларидаги чойшаби йўқ кушетка-узалгичга ётқизиб қорнини пайпаслаб текшираётган эканлар. Бош врач ўринбосари кўриб қолиб, "ҳайфсан" берган экан. Шунда улар яна бўш келмай: "Нима қилибди, кушетка топ-тоза-ку",-дер эмишлар. Қисқаси, бу ҳангомалар Фаросат опанинг иш фаолиятидан бир шингил, холос.

Энди оилавий жиҳатларидан эшитинг. Уларнинг уйлантирган бир ўғиллари, чиқарган битта қизлари бор. Қизлари ҳар қалай тушган ерида тиниб-тинчиб кетган. Ўғиллари келинлари билан бирга Фаросат опанинг қўлларида. Ўғиллари она қўлида униб-ўсиб оилали бўлган. Фаросат опа унга қандай таълим-тарбия берган бизга қоронғу. Ҳар ҳолда у ҳам рафиқаси билан бирга тиббиёт институтини битирган. Келинбону бу хонадонга тушганида дастлаб у шифокор-олимлар оиласига қарагандай муносабатда бўлган. Бироқ кунлар ўтиб, ойлар тўлиб боравергач, қарасаки, қайнонасининг "ғалати-ғалати" одатлари бор экан. Масалан, эрталаб аввал юз-қўлларини ювмасдан туриб ҳам чойнак-пиёлаларга тегиниб, нималарнидир ювмоқчи, тартибга келтирмоқчи бўлар эканлар. Келин бечора ювиқсиз қайнонага салом беришни ҳам билмай иккиланиб қолар эмиш. Улар шу ёшларигача палов ош қилишни билолмай, дам шавла, дам қовурма палов қилиб эрларининг олдиларига қўяр эканлар. Бир куни келин ош дамлаб дастурхонга сузиб келтириб қўйган экан, қайнота-Раим ака ундан бир қошиқ еб кўриб, ичларида,-"Энди палов ейдиган бўлибмиз",-дебдилар. Сабр-тоқатни қаранг! Шу-шу секин-аста бутун ош-овқатларни келин тайёрлайдиган бўлибди. Ювуқсиз чойнак-пиёлалар, идиш-товоқ, қошиқ-вилкалар аралаш ракавина-чиғаноққа қалашиб ётишига ҳам келин барҳам берибди. Айтишларича, келин янги тушганида ивирсиқ ҳовли-жойларни супириб-тозалаб сонга киритгунча эси кетган эмиш. Қўшниларининг гапига қараганда занг босиб тешилиб кетган ҳокандоз, қийшайиб ётган оташкурак, чўлтоқ супурги, девор тагига уйиб қўйилган ахлат шу Фаросат опоқининг уйларида бўлар эмиш. Яна айтишларича, эрлари сўраган рўзғор буюмларини ҳеч қачон опоқи "мана" деб шу заҳоти топиб бера олмаган эмишлар. Буюмларни бугун қўйган жойини эртасига эсларидан чиқариб, қидирганлари-қидирган эмиш...

Кунларнинг бирида қўшниларидан биттаси бир юмуш билан опоқининг ҳовлиларига кириб қолган экан, ювилган ички кўйлак дейсизми, турсик дейсизми, ҳатто лозимларигача рўпарадаги дорга қатор қилиб осиб қўйган эмишлар. Бунга кўзи тушиб қолган ўша қўшни: "Ҳой, Фаросат опа, буларни одамнинг кўзидан нарироққа оссангиз бўлмайдими", деган экан, у киши парволарига келтирмай: "Ҳозир қуриб қолади, йиғиштириб оламан", дебдилар...

Ҳақиқатан ҳам, Фаросат опанинг ўзларига хос феъл-атворлари бор эди. Ҳеч қачон бировнинг сўзига кирмас эдилар. Бировнинг гапи билан, бошқаларнинг ақли билан иш қилмас эдилар.



Ҳамма вақт ўз билганларича, ўзлари лозим кўрганларича иш қилар эдилар. Қўшнилар бўлсин, эр ёки ўғил-қиз бўлсин уларга "ундай қилманг, бундай қилинг" деб ўргата олмаган, йўлга сола билмаган эдилар. Қачонлардир ниманидир ўқиб, кўзлари билан кўриб, қулоқлари билан эшитиб тўғри деб ўзларига сингдириб олган бўлсалар худди ўшандай қилиб бажаришга ўрганиб кетган эдилар. Шу сабаб бўлса керак, бу ёшларига қадар одамлардан яхши нарсаларни, ҳавас қилса арзийдиган одатларни ўрганмай, ўзлаштирмай келган эдилар. Аёлларнинг бу тоифасига уйланиб, бола-чақа қилиб кетган Раим ака ҳам олдинига хотинларига уни-буни ўргатмоқчи, "ундай қилманг, бундай қилманг" деб танбеҳ бермоқчи бўлган эканлар. Лекин, қарасаларки, улар бошқаларнинг гапини қулоғига оладиган, ўргатгандай, кўрсатиб бергандай иш қиладиган аёллардан эмас эканлар. Феъл-атворлари ҳам, қабул қилиш онг-шуурлари ҳам шаклланиб қотиб бўлган экан. Ўзлари бунга обдон иқрор бўлгач, Раим ака уйда ҳадеб асаб бузарлик қилишга чек қўйиб, қўл силтаб қўя қолган эканлар. Хотинлари уларга эмас, улар хотинларига кўникишга мажбур бўлган эканлар...

Раим акани мен яхши билар эдим. Юқорида тасвирлаб ўтилган ажойиб гўзал хислатларидан ташқари, жуда камтарин, ўта камсуқим эдилар. Одамлар билан шу жумладан, аёллари билан баҳслашиб, тортишиб ўтиришни ўзларига муносиб билмас эдилар. Мана энди уйларида келинлари бор. Уй-рўзғор ишлари, ош-овқат, пазандачилик, супуриб-сидириш, қўйингки, барча оила юмушларини, барака топкур, келинлари ўз қўлига олган. Зукко олим, доно инсон-Раим аканинг уйга келганларида кўзлари қувонадиган, бемалол, хотиржам нафас оладиган, мазали, тансиқ овқатлар тановвул қиладиган пайтлари энди келди... "Ҳеч кўрмагандан кўра, кеч бўлса ҳам кўрган яхши" деганларидек, "Раим аканинг бағрига шамол тегадиган бўлди", дейишди, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар. Поликлиникада эса шунча чидаб келган маъмурият яна бироз бардош берсалар Фаросат Холдоровна пенсияга чиқиб кетадилар...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

Мактубларингиздан бири

# КЕЛАЖАК АВЛОД БАХТИ ҚЎЛИНГИЗДА

Ёшим 21 да. Олий ўқув юртида таҳсил оламан. Мени доим бир савол қийнайди. Шундай тўкин замонда яшаяпмиз. Худога шукр, юртимиз тинч, ёшларга улкан имкониятлар яратилган. Нега шунга қарамай, ёшлар тарбияси салбий томонга ўзгариб кетаяпти?..

Ҳар куни автобусда ўқишга қатнайман. Атрофимдаги ёшларнинг бир-бирига, ёши катта инсонларга қилаётган муомаласидан жаҳлим чиқади. Уларнинг гап-сўзлари шунақа бемазаки... Ёши 22-23лар атрофидаги бир йигит шеригига қараб: "Уф, қани энди, бир бойваччанинг қизига уйланиб олсам, отасини "соғиб", "балдет" қилиб юрардим. Қизи билан ишим бўлмасди. Нима қилса, қилаверарди",-дейди. Ҳалиги йигитдан нафратланиб кетдим.

Шу ўринда курсдош қизлар ҳаётидан ҳам ҳикоя қилмоқчиман. Курсдошим Юлдуз (исмини ўзгартирдим) жуда чиройли, ақлли, одобли қиз. Ҳаммага қўлидан келганча ёрдам беради. Ҳомиладор курсдошларимизнинг конспектларигача ёзиб беради. 2-курсда ўқиётганимизда уни унаштиришди. Бўлажак қуда унинг онасига: "Қизингиз ёлғиз (улар 1 қиз, 3 ўғил). Энди унга борингизни сарфларкансиз-да",- деб ҳазиллашган экан. Юлдузни унаштиришгандан сўнг қуда томон: "Итальянский" мебел, музлаткич, кир машинаси, телевизор ҳам албатта обкелинглар. Мебелни зўридан бўлсин, менинг биринчи марта тўй қилишим, ўртоқларимнинг олдида уялиб, қолмай",- деди. Юлдузнинг отаси вафот этган. Лекин тоғалари уни бекаму кўст узатишди. Тўйдан кейин Юлдуз ўқишга келмай қўйди. Маълум бўлишича, қайнонаси ва куёв тўра унинг ўқишини исташмаётган эмиш. Тўйдан олдин улар Юлдузнинг онасига, қизингизни албатта ўқитамиз, деб ваъда беришган экан. Бу орада Юлдуз ҳомиладор бўлди, уни уйига кўргани 3-4 дугоналар бордик. Қайнонаси жуда совуқ қарши олди. Юлдузни танимай қолдик. Озиб кетибди. Кўзлари ҳам қанақадир ғамгин. Ўзи кулиб турибди-ю, қалби йиғлаётганини аниқ сездим. Сабабини секин сўрасам, у ўқишга жуда боргиси келаётганини айтди. Куёв тўра: "Ўқишинг шарт эмас, ўзим диплом олиб бераман", дебди. Бу орада Юлдуз кўп дарс қолдиргани учун ўқишдан ҳайдалди. Афсус, қанча машаққат билан талаба бўлишга эришганди.





Бу бир курсдошимнинг тақдири. Кўпчилик оилали курсдошларим (айниқса яқинда турмушга чиққанлари) ўз ҳаётидан мамнун эмас. Яқинда турмуш қурган яна бир дугонам касал бўлиб қолди. Қайнонаси уни онасининг уйига жўнатворди. Шуям инсофданми? Ахир у эрта саҳарда (соат 6⁰⁰ да) қор кураб, касал бўлдику. Умуман ҳозирги келинларга, айниқса талаба келинларга жуда қийин.

Назаримда бу ерда ноҳақлик бўлаяпти. Қизнинг бечора ота-онаси оқ ювиб, оқ тараб ўстиради, ўқитади. Энди қанотига кирганда узатиб юборади. Тушунаман, бу ҳаёт қонуни. Лекин соғ пайтида хотин қилиб, хизматидан фойдаланиб, касал бўлганда онасининг уйига юбориш эркак кишининг ишими (куёвни назарда тутаяпман)?

Умуман ҳозир ўғил болаларга жудаям осон. Уйланганида қиз тараф ҳатто ички кийимигача сарпо қилади (Узр!). Уйланиш деган ўз зиммасига катта масъулиятни олиш, аёлини моддий ва маънавий таъминлаш, келажакда туғиладиган фарзандлар учун жавобгарлик дегани. Менимча, ҳозирги аксарият йигитлар масъулиятни умуман ҳис қилишмайди. Аксинча ҳамма оғирлик қиз узатган ота-она шўрликка тушаяпти.

Тўғри, азал-азалдан совчилар қизнинг етти пуштини, одоб-ахлоқини, қўлидан нима ишлар келишини суриштирганлар. Йигитлар ҳам одобли, ақлли, ҳунарли бўлишган. Менимча ҳозир бу анъаналаримиз фақат қизлар учундек. Совчилар: "Қизнинг ота-онаси қаерда ишлайди. Ўзи ўқиганми, уйи қанақа, пишириқлар пиширишни биладими, дадасининг машинаси борми..." каби масалаларга қизиқишади.

Тўғри, ҳар бир одам ўз ўғлига ҳар томонлама мукаммал, одобли, чиройли, пазанда қизни келин қилишни хоҳлайди. Лекин ўғли шунга муносибми-йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ҳозирги кундаги ажралишлар сони кўпайишига сабаб, менимча, қайноналарнинг мол-дунёга ўчлиги, куёвнинг тайёр мол-дунёни бемалол совуриб, келиннинг қадрига етмаслигида.

Очиғи, шуларни кўриб, турмушга чиқишдан кўнглим совиб кетди. Қани ҳақиқий марди майдон йигитлар? Уларнинг ўрнига текинтомоқ, безбет йигитлар кўпайиб кетди.

Нима эмиш, бир йигитга 5 та қиз тўғри келармиш. Шунинг учун хоҳлаганига уйланиб, хоҳласа жавобини бериб, яна қиз болага уйланармиш (бир йигитнинг гапи). Бўлмаган гап! Йигитлар тўлиб ётибди, фақат "пичоққа илинадигани" кам, яъни "йигит" номига лойиқлари...

Ҳурматли қайноналар ва келин олиш арафасидаги бахтли инсонлар! Сизларга худойим ўғил фарзанд берибди. Албатта сизлар унинг бахтли инсон бўлишини хоҳлайсизлар. Лекин унутмангки, унинг бахтли бўлишида сизнинг ҳиссангиз катта. Уйлантиришдан олдин унга ҳунар ўргатинг, инсонни инсондек қадрлашни, ожизларга ёрдам беришни ўргатинг. Бировнинг ҳисобига эмас, худо берган каллани ишлатиб, меҳнат қилиб яшаш лозимлигини тушунтиринг. Уйингизга кириб келган бировнинг жигарпорасини, кўз қорачиғидек асраган азиз фарзандини ўз фарзандингиздек қабул қилинг. Келажакда ўғлингиз билан бирга бахтли бўлиб, ширин фарзандларнинг ота-оналарига айланишсин, сиз эса ўша фарзандларнинг севимли бувижонисига айланинг. Ахир ўз ота уйида -19-20 йил бошқа муҳитда ўсган қизга бутунлай нотаниш муҳитга кўникиши осон бўлмайди! Унинг сизнинг табаррук хонадонингизга кўникишига, мослашишига ёрдам беринг. Шунда сизнинг хонадонингиздек бахтли хонадонлар кўпайишига, келажак авлод бахтига сабабчи бўласиз.

**Н. ТошМИ талабаси, Тошкент шаҳри.**

*Қўнғироқларингиз...*

# МЕН ХАТО ҚИЛДИМ...

- Яқинда билиб туриб биттаю битта укамнинг оиласи пароканда бўлишига сабабчи бўлдим,-телефон гўшагидан аёл кишининг оғир тин олгани эшитилди. - Биз оилада бир ўғил, бир қиз яйраб ўсганмиз. Мактабда ҳам яхши ўқирдик. Иккимиз ҳам бирин-кетин олийгоҳларга қийналмай кирдик. Аммо турмушга чиқдиму, дунёнинг ташвишлари бошимга ағдарилгандек бўлди. Қайнотам дадамнинг эски қадрдонлари бўлгани учун қуда бўлишни маъқул кўришганди. Эрим тўйимиздан уч кун ўтгач, сўзсиз-сабабсиз уйга келмай қўйди. Қайнона-қайнотам уни ишхонасидан "командировка"га юборишганини айтиб, мени тинчлантирган бўлишди. Мен келинлик хизматларидан бўшамай қолдим. Эрим эса шу кетганча бир ой сассиз –садосиз кетди.

Янги келиннинг бегона жойда... бунинг устига эримнинг қандай одамлигини билиб ҳам улгурмай ундан айро яшаш... Бу хонадонга чўриликка келгандай ҳис қилдим ўзимни...

**- Эрингиз сафардан қайтгач нима бўлди?**

- Унда ўзимга нисбатан ҳеч қандай "иссиқлик" сезмадим. Турмушимиз худди "илитилган ош"дай эди. Аммо уй юмушлари туфайли оилада майда-чуйда гаплар чиқа бошлади. Яна уят бўлса ҳам айтай, эрим билан нормал "интим" муносабатимиз ҳам йўқ эди... Бу ҳол олти ой давом этди. Бир куни эримга: "Шундоқ яшайверамизми, менинг бирор одатим ёқмаяптими сизга, айтинг!"-деб туриб олдим. (Чунки олти ой ичида эрим "срочний" хизмат сафарига икки марта бориб келди). Шунда у: "Очиғи, Москвада менинг оилам, бир қизим бор. Ота-онам, ўзбекка уйланасан, кейинчалик ўрис хотинингни унутасан. Жуда бўлмаса, биз дунёдан ўтгач, ўша ўрисингни олиб келарсан. Бизга югуриб-елиб хизматимизни қиладиган ўзбек келин керак", - дейишди. Тўй куниёқ у ёқдаги хотиним, қизим кўзимга кўриниб, зўрға уч кун – урф –одатларни ўтказиб олишганигача чидадим. Хотиним сени биладиди. У рози, аммо мен севгимни иккига бўлолмаяпман, прости меня!"- деди совуққина қилиб. "Менинг тақдиримни ўйламадингларми»?!-дея оғзимга келган гапни гапирдиму, ўзимни эшикка урдим. Хуллас ўртада жуда катта дилхираликлар ўтди... Ахийри биз ажрашдик. Биласизми, менинг бу асабийлигим, руҳий ҳолатим укамнинг ҳаётига таъсир қилишини билганимда...

**- Укангиз уйланганмиди?**

- Тўйлари ўтганига олти ой бўлувди... Келин тушган кундан уч кун ўтгач, собиқ эримнинг уйидагилар менга қандай муносабатда қилишган бўлишса, ўшани такрорладим.

**- Келинингиз жимгина сизга бўйсундими?**

- Аввалига индамай айтганимни қилди. Ҳатто баъзи инжикликларимни ҳам ломмим демай кўтарди. Бунинг устига ишига (поликлиникада лаборант эди) бориб келар, уйга қайтгунча бозор-ўчар қилишни ҳам унутмасди. "Дом"да турганимиз учун унинг ҳар бир ҳаракати кўз ўнгимизда эди. Хоналарни тозалаб чиққач, ортидан "текшириб" чиқардим.

Бир куни тушликка уйга келсам, келин бор экан. Онаси "гап" қилаётгани учун, ёрдамга бораман, деб ишдан жавоб олиб келибди. Газ "духовка"сида қандайдир пишириқ пишар, ўзи эса кетишга тайёргарлик кўраётган экан. Кўзим ошхонадаги столнинг устида турган кечкурунги овқатга тушиб, фиғоним фалакка чиқди, келиннинг хонасига кириб: "Ўзингизга оро бергунча, кечаги овқатни совутгунча олиб қўйсангиз бўлмасмиди?" - дедим важоҳат билан. Келин аввал бир чўчиб тушди. Сўнг сочини тараб турган жойидан шаҳд билан менга ўгирилиб: "Ҳамма ишни мен қилсам, сиз нима қиласиз? Нега шу ишни сиз қилиб қўя қолмадингиз? Ахир сизнинг ҳам қўл-оёғингиз бутун, ақлингиз жойида бўлса... Фақат оёғингизни артиб қўйишим қолдику! Шунча чидаганим етар, бундан кейин сиз менга эмас ўзингизга ақл топинг!" - деди-да, хонаси эшигини қарсиллатиб юзимга ёпди. Бу - унинг менга нисбатан қилган биринчи исёни эди. Меники ҳам "тутиб" кетди: "Ҳеч жойга бормайсан! Уйда ўтириб ҳаммаёқни "капитальний" тозалаб чиқасан шу қилганингга! Ана энди мендан кўрасан хўжайинликни қандай бўлишини!" - дея кўча эшигини қулфлаб қўяётган эдим, у хонасидан югуриб чиқиб, қўлимдан калитни оливолди. Сўнг апил-тапил оёғига туфлисини кийди-да: "Сен билан бир уйда туриб, эрлик бўлгандан кўра, эрсиз ўтганим яхши!.." - деганча кўчага отилди. Мен ҳам оғзимга келганини қайтармадим... Ўша куни қайтиб ишга бормадим. Менинг қўнғироғимдан сўнг ота-онам, укам ҳам ишдан эрта қайтишди. Албатта келинни "қоп-қора кўмир"га ўраб ташладим. Укам бошини чангаллаб қолди. Ота-онам ҳам кесакдан ўт чиққанига ҳангу манг бўлиб қолишди. Эртаси куни укам хотинининг орқасидан қайнонасиникига бориб, келиннинг мендан кечирим сўрашини, шундагина яна яшаб кетишларини айтибди. Келин эса: "Мен опангиз билан бир уйда яшамайман!" - деб туриб олибди. Келиннинг онаси ҳам қизининг гапини маъқуллабди. Хуллас бу можаро уч ойдан кейин ажралишга ариза бериш билан тугади. Укам менинг ёнимни олиб, ажралишга ариза бергани билан ич-ичидан жуда қийналаётганини ҳис қилиб турардим. Чунки қанчалик мазали овқатлар қилиб олдига қўймай, номига татинар, уйга кеч қайтиб, саҳарда чиқиб кетарди. Биз билан ёзилиб гаплашиб ҳам ўтирмайдиган бўлиб қолди... Нима қилишга ҳайронман...

**- Бўлиб ўтган воқеалардан виждонингиз қийналяптики, бизга қўнғироқ қилиб турибсиз? Ахир икки одамнинг орасини бузганга Тангрининг ҳам жазоси бор, деб бекор айтишмаган-ку! Энди бузилган муносабатларни ўзингиз тикланг. Шунда Сизнинг ҳам бахтингиз очилиб кетса, ажабмас! Келинг, шу сониядаёқ ишга киришинг, синглим! Эгилган бошни қилич кесмас.**

***Мен қўнғироқ қилаётган жувонга шундай маслаҳат бердим. Сиз эса унга нима дейсиз, азиз газетхон?***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

Oila va jamiyat
№ 12 (855) 20 март — 26 март 2008 йил
Оила ва жамият


### “Кўнгил тубидаги тош” - 7 сон.

**ЭСЛАТМА: Оилада олти қиз, бир ўғилмиз. Мен бешинчи қиз бўлганим учун отам мени яхши кўрмаганлар. Опаларим ҳам доим камситишгани-камситишган. Худога шукр, ўқиб, ишлаб оилага ёрдамим тегаяпти. Бахтлиман. Аммо мен каби «кераксиз» бўлиб туғилган қизларга ота-оналари эътиборли бўлишларини истардим.**

**Муаллиф: М. Шукурова**

Акс-садо

# АЙНАН МЕНИНГ ҲАЁТИМ ЭКАН...

Ҳурматли Улбўсин опа! Ушбу мақолани ўқиб, унда ўз тақдиримни кўргандек бўлдим. Мен аслида анчадан бери шу мавзуда мақола ёзмоқчи бўлиб юрувдим. Унда айнан менинг юрагимдаги гап ёзилибди. Энди ўзим ҳақимда.

Ота-онам зиёли инсонлар. Иккаласи ҳам идорада ишлашарди. Оилада аввал қиз фарзанд туғилди. Ота-онам, бувим-бувам - барчаси хурсанд бўлиб, Шаҳзода деб исм қўйишди. Отам, хуллас ҳамма иккинчи фарзанд ўғил бўлишини кутиб яшашди. Аммо иккинчи фарзанд ҳам қиз эди... “Э, майли умрини берсин”, дея Мўътабар деб исм қўйди. Кейин учинчи опам Салима туғилган. Тўртинчи қизнинг номи Соҳиба ва ниҳоят мен туғилганман. “Кейинги фарзанд ўғил бўлсин”, дея ният қилиб, Ўғилой деб менга исм қўйишган. Худди сиз ёзгандек воқеа рўй берган. Отам туғуруқхонага бормаганлар. Онам йиғлаб ўтирганда, шифокор аёл мени фарзанд қилиб олиш учун розилик сўраганлар. Онам рози бўлганлар. Отамнинг туғруқхонага бормаганларидан хабардор бўлган бобом онам ва мени олиб келиш учун отамни туғруқхонага юборганлар. Ноилож қолган отажоним бобомнинг гапи билан совға олиб, онамни олишга борганлар. Ниҳоят мен уйга келганман. Аммо бир ёшга тўлгунимча отам мени қўлга олмаганлар. Мендан кейин онам фарзанд кўрмадилар. Балки яна қиз фарзанд кўришдан қўрққандирлар. Отам мени ошкора суймасдилар. Ҳамма опаларимнинг туғилган кунлари тўкин-сочинлик билан ўтарди. Меники эса... ҳамманинг туғилган кунида олиб келинган торт, менинг туғилган кунимда ҳеч қаердан топилмасди. Айнан менинг туғилган кунимда дастурхонимиз ғарибгина бўларди. Мени камдан-кам суярдилар. Оиланинг биринчи ва иккинчи қизлари оиланинг эркатойи эди. Мен умрим давомида ўзимни доимо ортиқчадек кўрдим. Сиз айтгандек опаларим билан уришиб қолсак, улар менга: “Сен ўзи туғилмаслигинг керак эди”, дейишарди.

Ўшанда туғилганимга пушаймонлар ердим. Аввал катталарнинг мендан тез-тез норозиланишлари ўзимга юқди. Ўз-ўзимдан тез-тез норозиланиб турадиган бўлдим. Шу ҳолат ҳамон давом этиб келмоқда... Сиздек олий маълумотли бўлдим. Оилалик бўлдим. Ишимда, оиламда кимдир мендан норози бўлса, мен улардан эмас, ўзимдан норози бўлавераман. Туғилмасам бўлар экан. Туғилмаганимда шу кунларни кўрмасдим, дея эзилавераман. Баъзида фарзандларим ҳам кўзимга кўринмай қолишади. Нега шу ҳаётга келдим? Тезроқ Худо мени ўз даргоҳига олса эди. Болалар ҳам ўз кунини кўриб кетади. Эрим ҳам тезда уйланиб олади, деб ҳаммасига қўл силтайман. Болалигимдан тез-тез бетобланиб келаман. Эримга, қайнонамга: “Етти кунда гўр совуркан. Етти кундан кейин уйланаверсинлар”, деб васият ҳам қилиб қўйганман. Тўғриси, болаларимнинг бахтини кўришни орзу ҳам қилмай қўйганман. Отам ўлганда, кўзимга бир томчи ҳам ёш келмаган. Онам уялганидан мени уйга қамаб қўйганлар. Ўшанда фақат: “Отам мени яхши кўрмасди, мен туғилганимдан норози эди. Мени бегона аёлга беришмоқчи бўлганлар”, деган ўй миямда чарх ураверган. Отам мендан кўп камчилик топардилар. У кишига гоҳ сочим, гоҳ оёғим, гоҳ кийинишим ёқмас, буни ошкора совуқлик билан юзимга айтарди. Балки шунинг учун ҳам у кишидан қаттиқ қўрққаним боис меҳрим сўнгандир. Балки шу камситишлар туфайли ҳам ўз-ўзимни ёмон кўриб қолгандирман. Балки шу туфайли ўзимни хунук ҳисобларман. Балки шунинг учун ҳам опаларимга қўшила олмай ёлғизланиб қолгандирман. Тез-тез пинҳона йиғлаб кўзёш тўкардим. Бу одатим ҳамон давом этмоқда. Оилали бўлгач, Соҳиба опам билан бироз яқин бўлдик. Шунда опам: “Фарзандларнинг бахтли-саодатли бўлиши ота-онага боғлиқ экан. Биринчи фарзанд - опам туғилганда ота-онам хурсанд бўлишган. Айниқса отам жуда қувонган эканлар. Онамга: “Қара, исмига монанд Шаҳзодалардек яшаяпти”, деган эканлар. Насиб қилсин. Иккинчи опам Мўътабар туғилганда: “Э, майли”, деб Мўътабар қўйишган. У ҳам яхшию, лекин Шаҳзода опамдек эмас, сал пастроқда. Кейин Салима опам туғилган. Отамнинг норозилиги ошган сайин болаларнинг бахти ҳам шунга қараб бўлган. Ҳозир ҳаммаси яхши. Лекин бошида оилада қийналиб яшадим. Ишхонамда ҳам шундай бўларди. Қанчалар елиб-югурмай, улар менга бегона кўз билан қарашарди. “Сиз бу ерлик эмассиз”, дейишарди.



Биз туғилганимизда отам бизни бирдек суйганда, ажратмаганда эди, биз ҳам бахтли бўлиб тинчиб кетармидик, деб ўйлаб ҳеч ўйимга етолмайман. Ҳозир ўзимнинг 5 қизим бор. Ўғлим йўқ деб айтмайман. Бешаласини ҳам бирдек сезаяпман. Поччанг ҳам уларни яхши кўради. Нима учун отам бизни шундай кўрмаганлар? Нега айирганлар? Ахир ота-онам ўқиган, тушунган, зиёли инсон бўлишган-ку...

Мен Ўғилой исмли яна 2 аёлни биламан. Иккаласи ҳам турмушидан тинмади. Бунга нима сабаб? Ваҳоланки, иккаласи ҳам ҳуснда тенги йўқ, чаққон. Бири икки бола билан, бири уч бола билан қолишди. Бунга ким сабабчи? Оталари эмасми,мабодо?!

Мен опамнинг гапини жимгина эшитдим-у, жавоб бермадим.

Улбўсин опа! Мен ҳам сиз каби уятчан, одамови бўлиб улғайдим. Сиз ўша-ўша камсуқум, тортинчоқлигимни ўзим билан олиб юрибман, дебсиз. Мен-чи, ҳамон ўз-ўзимдан норозиланаман. Буни қанчалик оғирлигини биласизми? Бу дунёда кераксизлигимдан қанчалар қийналишимни биласизми? Қайнотам, қайнонам, қайноғам, қайнукам, қайнсинглим, ниҳоят эрим тиллага тенг одамлар. Фарзандларим ақлли, зукко болалар. Лекин мен баъзида психологга муҳтож бўлиб қоламан. “Кераксиз”лигимни, “ортиқча”лигимни тез-тез эслатаверишганидан бу гаплар юрагимга муҳр бўлиб босилган. Айтинг, бу муҳрдан қандай қутулай? Онамнинг дуоларини олиб турибман. Лекин болаликдаги хотираларни қандай ўчирай? Олий маълумотлиман. Отамни тушунишга ҳаракат қиламан, лекин бўлмайди... Ахир ҳар ким экканини ўради-ку! Нега улар шуни тушунишмадийкин?..

**ЎҒИЛОЙ,**
**Наманган вилояти.**

### “Келинойимга инсоф кирса...” - 47-сон, 2007 йил

**ЭСЛАТМА: Онам болалар уйида ўсгани учун акамнинг хотини доим юзига соларди. Ўзи болаларини онамга ташлаб ресторанларда юргани-юрган эди. Ахири акам билан ажрашишди. Келинойим болаларини «болалар уйи»га бериб юборди. Бу ҳолдан эзилиб акам билан онам оламдан ўтишди. Жиянларимни ололмай сарсонман.**

**Муаллиф: Гулбашакар**

# САБРГА СУЯНИНГ, ИНИМ

Иним, Мансурбек! Республикамизда баланд нуфузли “Оила ва жамият” газетаси таҳририятига келиб, дардингизни айтиб, яхши иш қилибсиз. Ахир сизнинг елкангизга тушган оғир юк ҳар қандай иродали кишининг ҳам белини букиб қўйиши мумкин.

“Серуруғ ва обрўли бир хонадоннинг кенжа қизи” - келинойингиз камтарингина бир оилани ғурбатхонага айлантирибди. Ароққа ружу қўйган акангиз вафот этибди, онангиз ҳам сизни ташлаб дорилбақога рихлат қилибди. Жиянларингиз эса сиздан олисда - сизнинг бағрингизга қайтиши даргумон бўлган етимхонада яшамоқда экан.

Мақсудбек, ёш бошингизга тушган бу кўргуликлар бизни ҳам қайғуга ботирди. Сизга қандай йўл-йўриқ ва маслаҳат йўллашга бошимиз қотди.

Шундай бўлса-да, воқеликни яна бир бошдан таҳлил қилишга уриниб кўрдик. Қаерда, кимдан хатолик ўтганини мулоҳаза қилдик. Бизнингча, келинойингиз ота-онангизни узоқ ўтмишини - болалар уйида тарбия топганини юзига солмай, ўша оиланинг фаровонлиги учун елиб-югуриб хизмат қилса бўлмасмиди? Худойим берган қўчқордек икки ўғилни қанотига олиб, тарбияласа, аҳли солиҳ йигитлар қилиб, элга қўшгани яхши эмасмиди? Ота-оналар-ку, аччиқ қисмат туфайли болалар уйида тарбия топишган экан, бу кўргуликни ўз фарзандларига раво кўрган онани оқлаб бўлармикин?

Акангизда ҳам хатолик бор. Иш билан бўлиб, хотини билан иши бўлмаган. Икки болалик бўлгандан кейин эса тергай бошлаган. “Издан чиққан” келинойи акангизни йўриқларига бўйсинмай қўйган...

Агарда акангиз иродали, мард йигит бўлганида хотини билан очиқ юзма-юз суҳбатлашиб, унинг кўнглига йўл топиши мумкин эди-ку. Ўрни келса ялиниб-ёлвориши, икки боланинг тақдирини ўйлаши, хотинини бу хонадондан кетиб қолишига йўл қўймаслиги керак эди.

Майли, энди, бўлар иш бўлиб ўтибди. Барча воқеаларнинг иштирокчиси сифатида энди сизга тўзим берсин. Жиянларингизни бағрингизга қайтаришга ҳаракат қилинг. Агар акангиз аянгизга ялинмаган бўлса сиз ялининг. Шу жиянларнинг тарбияси билан шуғулланишингизни айтинг. Ахир, у ҳам она-ку! Юраги ўрнига тош боғлаб олмагандир? Унинг ҳам аллақаери фарзандлари учун куяр. Келинойингиз ёқтирмаган одамлар бу дунёни тарк этиб кетишган бўлса? Энди келинойингиз кимга аччиқ қилиб, фарзандларини зор қақшатади?

Ҳар бир инсоннинг яшашдан мурод-мақсади бўлади. Келинойингиз ҳам ўз бағридан нарида ўсиб, камол топаётган фарзандларига юраги талпиниб тургандир. Ажаб эмаски, шаштидан қайтиб, жиянларингизни бағрингизга қайтаришга ёрдам берсалар.

Буни ҳаёт дейдилар. Ёш бошингизга тушган бу савдолар остида ўзингизни ожиз, нотавон сезманг. Бардам бўлинг. Сабрга суянинг. Зора, ҳаёт қувончлари сизнинг кулбангизга ҳам кириб келса. Ҳали жиянларингиз ўсиб-улғаяр. Улар учун жон куйдирган амакисини қўллаб-қувватлар, бошида кўтарар. Сизга ҳам бахт кулиб боқишига ишонамиз.

**Мавлудахон ҚУРБОНОВА,**
**Асака шаҳри,**
**ҳуқуқшунос.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Камронбек РАЖАББОЕВ!**
Туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.
Яқинларинг. Питнак шаҳри



**Қизимиз МАФТУНАОЙ!**
Ўқишни битириб, сержантлар сафига қўшилганинг ва Наврўз байрами билан табриклаймиз. Соғ ва бахтли бўлгин.
Ота-онанг



**Ҳурматли Шоҳида ИСКАНДАРОВА!**
70 ёшга тўлишингиз ва Наврўз байрами билан табриклаймиз. Узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.
Оила аъзоларингиз



**Азиз онажонимиз Махфиратхон АЛИМУҲАММЕДОВА!**
Таваллуд айёмингиз ва Наврўз байрами билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.
Дугоналарингиз



**Ҳурматли ҚУНДУЗ кеннойи!**
28 ёшингиз муборак бўлсин. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлиб, фарзандларингиз бахтига доим соғ-саломат бўлинг.
Назокатхон



**ҲУЛКАР опа!**
Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Бахтимизга бор бўлинг.
Яқинларингиз



**Дўстим Баҳодир РАСУЛОВ!**
60 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Ҳаётингиз зилол сув каби тиниқ, умрингиз чинор умридек узоқ бўлсин.
Бахтиёр Шамсиддинов оиласи.



**Адажонимиз РИХСИВОЙ ака!**
Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Биз фарзандларингиз роҳатини кўриб юринг.
Қизингиз Маҳфуза.



**Ҳурматли БАХТИЁР бобомиз, БИБИСОРА момомиз!**
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин. Биз фарзандларингиз ва набираларингиз ардоғида қарилик гаштини сурингизлар.
Яқинларингиз.
Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.



**Ҳурматли Жумагул ЮСУПОВА!**
Таваллуд айёмингиз—55 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат саломатлик тилаймиз.
Питнак шаҳар почта идораси ишчи ходимлари.



**Қудратилла МУСЛИМОВ!**
Таваллуд айёминг билан қутлайман. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингда ривож тилайман.
Опанг Назира

**Ҳурматли Наврўз ХОЖИЕВИЧ!**
Муборак 60 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Оила аъзоларингиз бахтига бор бўлинг.
Ҳамкасбларингиз

**МАТНАЗАРОВ ШЕРЗОД КЕНЖАЕВИЧ**-га ТАТУдан 2004 йилда берилган 04ТР068 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

I I Тошкент юридик коллежидан **НАЗАРОВА ГАВҲАР ФАТҲУЛЛА қизи**га 2007 йилда берилган 114-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.


# «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

"**Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, оратор, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!**"

***МАРКАЗ ШИОРИ***

Тошкент шаҳрида яшаб мактаб, коллеж, лицейларда ва боғчаларда ишлаётган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга **ўқитувчиларни, тарбиячиларни ТДПУнинг махсус сиртқи факультетига,** поликлиника ва турли шифохоналарда, тиббиёт коллежларда ишлаётган тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлмаган ҳамшираларни **Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Олий тоифали ҳамшира" махсус сиртқи факультетига,** Тошкент шаҳрида ўқиётган 5-6-7-8-9 синф ўқувчиларини ҳамда лицей, коллежларда ўқиётган ўқувчиларни, республика миқёсидаги олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган **абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида** Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда, **"Westminster", Garvard, Oksford, Kembrij** ва бошқа чет эл ўқув юртларига **(TOEFL доирасида)** қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига **кафолатли тайёрлайди:**

**Иқтисод йўналиши:** математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт; тарих;

**Ҳуқуқшунослик йўналиши:** тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт; математика;

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, она тили ва адабиёт; физика

**Техника йўналиши:** математика, физика, она тили ва адабиёт; тарих;

1. **Компьютер саводхонлиги** - компьютер ҳақида бошланғич маълумотлар.
2. **Windows XP** - сиз уни у сизни тушунади.
3. **Microsoft Word** - матнлар билан ишлаш.
4. **Microsoft Excel** - электрон жадваллар билан ишлаш.
5. **Microsoft Power Point** - тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш.
6. **Интернет ва E-mail** - бутун дунё бўйлаб саёҳат...
7. **Web-саҳифалар яратиш** - безаклар, расмлар билан ишлаш.
8. **Бошқа тадбиқий программаларда ишлаш** - (сканер, антивирус, архив...)
9. **Ҳар хил дастурларни компьютерда яратиш.**

**Ўқув маркази тил ўрганувчиларни инглиз, рус тили курсларига таклиф қилади.**

**Ўқув марказида уй ҳамшираси, болалар массажи курслари мавжуд.**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган, тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар ҳар куни соат **08:00дан 18:00 гача** қабул қилинади.

**Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди.**

**Тингловчилар ўқитувчиларни танлаш имкониятига эга.** Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Тингловчиларга сертификат берилади.

**Манзил:** Хадра меҳмонхонаси, 6-қават.

**Мўлжал:** Тошкент Давлат цирки биноси ёнида. **Тел: 244-26-09, 244-26-34**



# АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

## ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**


# КЎКЛАМ БЕРГАН БЕЛГИЛАР




Халқимиз қадим замонлардан бери турли табиий ҳодисаларни мунтазам кузатиб келганлар. Фасллар алмашинуви, об-ҳаво ўзгаришлари мўъжизакор табиатнинг турли кўринишлари мутаносиблиги айрим халқ таъбирларининг яратилишига сабаб бўлган. Масалан, қалдирғочлар ер бағирлаб учса ёки булутли кунда гулхан тутунлари тепага ўрламай пастга ёйилса ёмғир ёғиши, кузда товуқлар эрта туллай бошласа - ҳали-вери совуқли қиш келмаслигини билишган.

Қуйида мен момоларимдан эшитган халқ табиатномасидан намуналар ёзиб юбораяпман.

➔ От бошини силкитиб, юқорига талпинса - ҳаво бузилади.

➔ "Беш қўноқ" ёмғирли бўлса - йил яхши келади (беш қўноқ - апрелнинг дастлабки беш куни).

➔ Эрта баҳорда қаттиқ шамол ёки бўрон бўлса - йил ёмон бўлади.

➔ Турналар учиб келиб, рақсга тушса - кун исийди, улар қичқирса - кун совиб, ёмғир ёғади.

➔ Мол сувни кам ичиб, кундузи мудраса - ёғингарчилик бўлади.

➔ Агар дарахт барги шамол туфайли уст томони пастга айланиб қолса - ёмғир ёғиши тайин.

➔ Итнинг ўз-ўзидан айланиши - ёмғир ва қордан, ғужанак бўлиб ётиши - совуқдан, чўзилиб ётиб тилини осилтира бошлаши - иссиқдан дарак.

➔ Эрталаб кўп шудринг тушса - ҳаво яхши бўлади.

➔ Ўргимчакнинг ин қура бошлаши - ҳаво очилиб кетишидан, инининг ўртасида қимирламай туриши - ёмғирдан дарак.

➔ Қоқи ўт кўзининг юмилиши - ёмғирдан дарак.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта давомида янги режалар тузишингиз мумкин. Улар сизга кутилмаганда мўмай даромад келтиради.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Бировларнинг ишига аралашмаганингиз маъқул. Акс ҳолда бир умр пушаймон бўлиб юрасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Касбингиз туфайли катта ютуқларга эришасиз. Аммо турмушдаги икир-чикирларга ўралашиб қолманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ҳиссиётларингизга ишонинг. Шу ҳафтада кўпдан буён кутган севгилингиз билан учрашасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳамкасбларингиз ёрдами билан катта иш бошлашингиз эҳтимоли бор. Меҳнат қилишдан эринманг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Сиз учун анча омадли ҳафта бўлса-да, бироз муаммолар пайдо бўлади.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ҳафта давомида қилган хатоларингизни тузатиш имконияти туғилади. Яна адашмасликка ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ушбу ҳафтада рўзғорингизда йиғилган ишларингизни бажариб, оила аъзоларингиз билан ҳордиқ чиқаринг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Яқинларингиз билан аҳил бўлишга ҳаракат қилинг. Ортиқча гап-сўзларга эътибор қилманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Саломатлигингиз ҳақида қайғуринг. Кўпроқ дам олишга ҳаракат қилишингиз керак.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Тўй қилиш орзусидасиз. Фақат анчагина сабрлироқ бўлишингиз кераклигини унутманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Оилада асқотадиган ҳунарлардан бирини ўрганишга киришасиз. Бу ишингиздан кейинчалик мамнун бўласиз.

## Синалган ҳақиқатлар



- Кўзни қисиб қараш ёки диққат билан тикилишдан (кузатишдан), ёки айёрликдан дарак беради.

- Суҳбатдошга тўғри қараш қизиқишни, ишончни, очиқликни, тўғридан-тўғри мулоқотга тайёрликни англатади.

- Ёнлаб қараш ишончсизликни, иккиланишни билдиради.

- Пастлаб қараш (бошни эгиб турганда) бу кишининг ҳаракатга тайёрлигини, агрессияни, ёки қуллуқ қилиб туришни, итоаткорликни (гавда олдинга эгилиб турган бўлса) кўрсатади.

- Юқорилаб қараш(бош орқага ташланган ҳолатда) суҳбатдошни менсимаслик, ундан ҳазар қилиш, ўзини баланд тутиш, бино қўйганлик нишонаси.

- Қарашларни ҳар томонга олиб қочиш ўзига ишончсизликни, камтарликни ёки иккиланишни, айбдорлик ҳиссини билдиради.

# БАШОРАТНОМА

**Қуйидагиларга эътибор беринг:**

➔ агар қаршингиздаги одамнинг ҳар иккала кўзи бир горизонтал чизиқда жойлашган бўлса, билингки, у босиқ ва вазмин экан;

➔ ичига чуқур ботиб кетган кўзлар соҳиблари романтикага мойил, чин дилдан севадиган инсонлар бўлишади;

➔ агар эркакнинг кўзлари пастга қараган(эгилган) бўлса, бу ҳол унинг қатъиятлилигидан, аёлларда эса енгил табиатлиликдан далолат беради;

➔ юқори қовоқ салгина осилиб турган бўлса - қаршингизда ақлли, доно киши турибди;

➔ пастки қовоқнинг катталиги қайноқ, қизғин ҳаётдан нишонадир;

➔ осилиб қолган пастки қовоқлар эгаси ўзини назорат қилолмайдиган киши бўлади;

➔ шишган қовоқлар ҳаётдан чарчаганликдан дарак беради;

➔ агар кўзнинг ташқи бурчаклари ҳар томонга таралиб кетган ажинлар қуршовида бўлса, бу ҳар нарсанинг мағзини чақишга қодирликдан далолатдир;

➔ ичига ботган кўзлар соҳиблари қарашлари кенг қамровли, чидамли, ишонувчан кишилар бўлишади;

➔ агар кўзлар бир-бирига яқин жойлашган бўлса, улар ўз эгасининг унчалик ҳам ақлли эмаслигини билдиради.

Кўзлар ранги ҳам инсон характерини очиб беради. Жумладан: кўк кўзлар соҳиб ва соҳибалари инжиқ, эркатой ва довюрак; мовий кўзлилар – жозибали ва истараси иссиқ, жигар ранг кўзлилар – оққўнгил ва орзуларга берилувчан, зангори кўз соҳиблари нозиктаъб, мулойим, бахтиёр ва қув, қора кўзлилар ёқимтой, кўкимтир (бўз) рангли кўз эгалари эса қувноқ кишилар бўлишади.

**ҚАРАШЛАР, ҚАРАШЛАР...**



Инсоннинг ўз суҳбатдошига қандай қараб туриши ҳам кўп нарсани англатади.

- Катта очилган кўзлар ҳиссиётларга берилишнинг кучлилигидан, жонлиликдан далолатдир.

- Сал юмилган, қовоқлар билан озгина "пардаланган" кўзлар – бепарволик, инертлик, ўзига бино қўйганлик, зерикиш ёки кучли чарчоқ нишонаси.

**ЛАБЛАР**



1–тўғри акс этиб турган(дўмбоқ) лаблар – меҳрибонлик, бағрикенглик, қувноқлик ва очиққўнгиллик, тўғрисўзлик белгиси.

2–ингичка (юпқа) лаблар айёрликни, эгоизмни, қаттиққўлликни, иккиюзламачиликни, йиртқичликка мойилликни, сарказмни, ичимдагини топ хилидан эканликни билдиради.

3-қалин лаблар ҳиссиётлилик, ўзгармас инстинктлар(туйғулар)ни, айрим ҳолларда эса бағрикенгликни англатади.

4–"болалар" лаблари соҳиблари ишонувчан ва тўғрисўз бўлишади.

Лаблари ингичка кишилар бағритош, семиз лаблилар – меҳрибон, кичкина лабли инсонлар мағрур, ўртача катталикдаги лаб соҳиблари сермуҳаббат, хўжағат (малина) рангли лаб эгалари – севиб қолган, рангпар лаблилар - қаҳри қаттиқ, қизил лаб соҳиблари – мўмин-қобил, қирмизи лаблилар – ўзгарувчан бўладилар.

**Психологларнинг фикрича:**

➔ оғзи катта, лабларининг бурчаклари қуйи солинган кишилар кучли ирода соҳиблари бўлиб, уларга таъсир ўтказиш осон эмас;

➔ оғизнинг доим қимирлаб туриши ишончсизликни билдиради;

➔ оғзининг бир бурчаги пастга осилиб тушган кишилар ўжар ва қайсар бўлишади;

➔ ҳиссиётга берилувчан кишиларнинг оғзи кичкина ва ёй шаклида(лабларнинг бурчаклари пастга эгилган) бўлади;

➔ бўртиб чиққан лаблар муваффақиятга интилувчанликдан нишонадир;

➔ агар оғизнинг ҳар иккала бурчагига кўзлардан юз бўйлаб тик ажин тушган бўлса - қайноқ, қизғин ҳаётнинг белгиси, мабодо ажинлар буруннинг қанотларидан лабларнинг бурчакларига йўналган бўлса, маккорликни, ҳийлакорликни билдиради;

➔ агар юқори лаб пасткисидан бўртиб чиқиб турса, бу ҳол бир қарорга келишга қийналишдан, мабодо пастки лаб юқоридагисидан бўртиб чиқиб турган бўлса, эгоизмдан далолатдир.

**(Давоми бор)**

**ДАРМОН тайёрлади.**

## Наврўз ҳангомалари

**Воқеа**

# СУМАЛАКТОШ



Маҳалламизда Наврўз байрами айни қизиган паллада оқсоқолларимиз ўтиришган каравотнинг олдига бир корейс чол келиб, салом берди. Унга кўзи тушган Жумахон отанинг чеҳраси ёришиб ҳалиги келган чолга қўл узатди.

- Ҳой, сумалак охун, бормисан, юрибсанми? Яшавор-а. Зап келиб қолибсан-да, меҳмон. Иккаламиз ҳийладан буён сумалакхўрлик қилганимиз йўғ-а?

Корейс чол ҳамон тиржайиб турарди. Жумахон ота яна сўрай кетди:

- Ҳой, менга қара, хотининг юрибдими?

- Юрибди, юрибди, - деди чол каравотга чиқа туриб. - Салом айтди. Жумасумалактошни кўрсанг уйга таклиф қил, меҳмон бўлиб кетсин,-деди. - Хотини ўлиб қолибди. Бошлаб кел, анави эри ўлган Анастасияни олиб берамиз унга,-деди.

- Э, ўртоқ, айтмадингми хотинингга, Жумахонни маҳалла хотин-қизлари ўз қўмиталарига сайлаб олишибди, деб?..

Иккала ўртоқ мириқиб кулишди. Жумахон ота унинг олдига бир пиёла сумалак қўйди.

- Қани, ол бундан. Маҳалла аёллари пиширишган. Жуда лаззатли, аммо тоши йўқ.

Меҳмон чол сийрак тишларини кўз-кўз қилгандай оғзини очиб бемалол кулди.

- Тоши йўқ дегин, - сўради у.

- Ҳа, йўқ. Сенга особи заказ.

Меҳмон сумалакка нон ботирди...

Икки оқсоқолнинг жумбоқнамо ҳазил-ҳузулларига тушунолмай, сўрашга мажбур бўлдим.

Корейс чол:

- Жумасумалактошдан илтимос қилинг, айтиб берсин, - деди илжайиб.

- Майли Лаврентийжон, сазанг ўлмасин, айтсам айтақалой. Эшитинг...

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг биринчи йилида Наврўз байрамига тайёргарлик авж олган пайт. Туман ҳокими Жумахон отани ҳузурига чорлаб: "Отахон, ўйингоҳда махсус жой қилаяпмиз, байрам кунига ўша ерда сумалак пишириб, ош дамламоқчимиз. Шу юмушларни сизнинг ўзингиз уддалаб бермасангиз, аҳолимиз олдида уятли бўлиб қоламиз", дебди. Ота рози бўлиб, енг шимариб ишга тушиб кетибди. Дошқозонларда сумалак пиширилибди, палов дамланибди. Наврўз куни отахоннинг қўлида чўмич, сумалак тарқатилибди...

- Бир вақт,-ҳикоясини давом эттирди Жумахон ота, - рўпарамда манави чуваккина чол пайдо бўлиб қолди. Қўлида пахта гулли чинни коса. Бир-икки марта кўргандайман. Барча қатори унинг идишига ҳам сумалак солиб бердим. Раҳмат, деди-ю, кетди. Ярим соатлардан кейин у яна пайдо бўлиб қолди. Қарасам, сизга ёлғон, худога чин, ўлжасидан қуруқ қолган арслоннинг ўзи. Афт-ангори лавлагидай қизариб кетган, кўзларидан ўт чақнаб турибди, қўллари қалтираб, ушлаб турган косасини бурнимнинг тагига тиқиб ўшқирди:

- Бу нима? Сендан сўраяпман, бу нима?

Ҳанг-манг бўлиб қолдим.

- Нималигини кўрмаёпсанми, оғайни? - дедим юмшоқлик билан. - Сумалак. Баҳорнинг тансиқ таоми. Хўш, нима гап?

- Сумалаклигини кўриб турибман. Буниси нима?

- Тош.

- Тош?! Сумалак егунча тош е, деганингми бу? Бу қанақа қилиқ? Шармандалик! Ҳурматсизлик! Таҳқирлаш!

- Ҳов, оғайни, ўпкангни қўлтиқлама, ўзингни бос. Ҳеч ким сени таҳқирлаётгани йўқ...

Қани энди оғзимни очирса. Бу десам у дейди, у десам бу дейди. Қонимга ташна қилиб юборди-да. Охийри:

- Ҳой, менга қара, - дедим унга. - Сумалак пиширилаётганда тагига олмаслиги учун қозонга ёнғоқдай келадиган 15-20 та силлиқ тошчалар ювиб солинади. Тушундингми? Тошчаларни Чирчиққа тушиб, ўзим териб келганман, қайноқ сувда ювиб, қозонга ташлаганман. Понял?! - дея тушунтирдим.

Кейин куракчани қозонда қолган сумалакка ботириб, тагидан тўрт-бешта тошни олиб, унга кўрсатдим. Шўринг қурғур Лаврентийжоннинг бўлгани бўлди. Ҳайратдан қотиб қолди. Тили танглайига ёпишиб қолгандай, гапиролмай, худди домласидан дакки еган муллавачадай ер чизиб турибди. Қўлидаги чинни косага яна сумалак солдимда: "Бор энди сумалак охун, хотининг билан сумалакхўрлик қил", - дедим.

Чол энди анча ўзига келиб қолгач, менга илжайиб қаради-ю, ўша заҳоти жавоб қилди:

- Сабоқ учун раҳмат сумалактош...

Машмашага гувоҳ бўлганлар чолнинг жавобини эшитиб, "гур" этиб кулиб юборишди. Бу қувноқ қаҳ-қаҳа ўртадаги ғашликни бир зумда тумандай тарқатиб юборибди...

- Мана ўн икки йилдан буён у... сумалак охун...

- Жумахон эса... сумалактош...

Энди Лаврентий бува ҳикояни давом эттирди:

- Аслида ўзим шаҳарда туғилиб, шаҳарда ўсганман. Аҳён-аҳёнда ўзбек қўшниларимиз сумалак солишса бизга ҳам чиқариб туришарди, бироқ идишдан тош чиққанини эслай олмайман. Шу боис ҳам Жумахон берган сумалакдан тош чиққанида, биласизми, жон-поним чиқиб кетди. Бу нима, мен унинг арпасини хом ўрдимми? Нега менинг идишимга тош ташлади? Бу таҳқирлаш, шармандалик-ку,-деб ўйлаб хотинимни етаклаб, Жумахоннинг олдига келдим. Бир сўкишиб, хумордан чиқмоқчи бўлдим. Бироқ, сумалакка тош ташлашларини қайдан билай? Шу-шу сумалактош билан дўстмиз, оғайнимиз, борди-келдимиз бор.

- Вой, сумалак охун-ей, - деди Жумахон ота.

Даврада яна кулгу янгради. Иккала қария ўринларидан туриб, бир-бирини Наврўз билан табриклашди. Яхши ният билан дуолар ўқиб, юртимизга тинчлик, дастурхонимизга барокот тилашди.

Ҳа, Наврўз гина-кудуратларни ўртадан кўтарадиган, одамларни бир-бирига меҳрибон, дўст-иноқ қиладиган чинакам халқ байрамидир.

**Набижон ҲОЖИМАТОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Бектемир тумани.**

## Хандалар

**ХОТИН ЭШИТСИН ДЕБ**

- Қайнонангнинг таъзиясида ўкраб йиғлашингни кўриб, мениям кўнглим бузилиб кетди. Шунчалик яхши кўрармидинг-а, қайнонангни?

- Ичкарида хотиним эшитсин деб бироз овозни баландлатгандим-да... Шунгаям томоқ анча қирилибди. Уч кун коньякни иссиқ қилиб ичиб, ўнглаб олдим.

**АВВАЛ ҚАЙСИНИ...**

- Бу дорини ароқ билан ича кўрманг.

- Унда, аввал қайсини ичай?

**КЎЗ ҚИСИШ**

- Бу аёл нега бундай қилди-а, бизга қараб тинимсиз кўз қисиб ўтиб кетди. Орқасидан борсаммикан...

- Сендан аввал ҳам учтаси орқасидан уйига эргашиб бориб, роса адабини ейишган.

- Нима бўлган?

- Эри уччовиниям дўппослаб, кўзларини қийшайтириб ташлаган.

- Нега бўлмаса хотини кўз қисади?

- Асабдан шу дардга чалиниб қолган. Бу ишқибозлик эмас, дард белгиси. Лекин, бадният довдирларнинг шўри...

**ТУШИГА КИРМАГАН**

- Менга уйланаётганингизда, дадангдан зўри йўқ, деб оғзингизнинг суви қурирди, мақташдан чарчамасдингиз. Энди нега дадам бунчалик ёмон бўлиб қолди. Кўрарга кўзингиз, отарга ўқингиз йўқ. Ўтирсангиз ҳам, турсангиз ҳам дадамнинг ғийбатини қилиб, камситасиз, нуқул ерга урасиз.

- Бўлди, бас қил! Мен сенга уйланишим билан дадангнинг амалдан кетиб, инқирозга юз тутиши тушимга кирмаган-ди-да...

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон шаҳри.**




# O'YLOVSIZLIK

Sherzod Jamolning DVDsini ko'rdi-yu, uning ham shunday texnikaga ega bo'lgisi kelib qoldi. Sinfdosh o'rtoqlarining hammasida bor, lekin uniki yo'q. Ular ko'rgan kinolari va kliplarini maqtashganda u g'alati bo'lib ketadi. Uning ham otasi DVD olib bersa bo'ladiku, lekin nega bunday qilmaydi? Shu savol uni bir haftadan beri qiynaydi. Sherzod oxiri bir qarorga keldi. Bugun shu haqida otasiga aytadi, balki olib berar. Shu o'ylar bilan Jamolnikidan uyiga kelsa otasi ishdan kelib, ovqatlanib o'tirgan ekan. Sherzod kelib otasi yoniga o'tirdi. Otasi Sherzodga zimdan nazar tashladi-da, so'z qotdi:

- Ha, Sherboy, nima gap? Ruchka yoki daftar kerak bo'lib qoldimi?

- Yoq, hammasi bor.

- Bo'lmasa nima bo'ldi! Yoki o'rtoqlaring bilan tortishib qo'ldingmi?

- Tortishib qolganim yo'q. Faqat bir narsani olib berishingizni xohlardim.

- Nima ekan u?

- Hamma o'rtoqlarimning DVDsi bor, meniki esa yo'q. Siz ham olib bersangiz. Hammamiz mazza qilib kinolar ko'rardik.

- O'g'lim sen katta yigit bo'lib qolding. Hammasini tushunasan. Agar oylikni olgach ro'zg'or xarajatidan ortsa olib beraman. Bo'lmasa sabr qilasan. Yozda meva sotsak, shuning puliga olamiz.

- Jamolning otasi ho'kizini sotib olib beribdi. Biz ham qo'ylarning birini sotib olaylik.

- O'g'lim men qo'ylarni sotib, sigir olmoqchiman. Axir ro'zg'orga sut, qatiq kerak. Ularning sigiri bor, shuning uchun ham ho'kizini sotgan. Hammaning oilasi har xil. Hamma birdek yashay olmaydi. Men bir o'zim ishlayman. Akang o'qiydi. Onang esa uyda sizlarga qarab o'tiradi. Axir oilaning bu tomonlarini ham o'ylash kerak-da. Vaqti soati kelsa o'shani olamiz.

- Doim shunday deysiz. Qachonki bir narsa olib bering desam, oiladan ortmasligini aytib.

- O'g'lim, nega tushunmaysan. Hozir senga o'sha matohning keragi ham yo'q, o'zi aslida. Undan ko'ra sen bilimni puxta o'rgan. Vaqtingni behuda narsalarga sarflab, bekor o'kazma. Nasib bo'lsa hali ko'p narsalar olasan. Hammasi vaqti soati bilan.

- Dada, amakimning DVDsi ikkita-ku, bittasini qarzga bo'lsa ham olib bering. Keyin pulini beraverasiz.

- Sira ham qarzga narsa olmayman. Hatto jigarimdan ham. Qachon pul topsam o'shanda olaman. DVDmiz bo'lmasa ham kunimiz o'tib turibdi. Gap tamom, bor darsingni tayorla, -dedi otasining jaxli chiqib.

Sherzod o'rnidan turib ichkariga kirdi. "Olib bermasangiz olib bermang. Amakimdan qarzga bo'lsa ham olib kelaman, yozda meva sotib pulini beraveraman", dedi Sherzod o'ziga-o'zi. Ertasi kuni Sherzod amakisidan DVDning birini iltimos qilib oldi-yu, ammo ko'ngli joyiga tushmadi. Uyga kelib, qoylardan birini DVDning o'rniga berib keldi. DVDni esa otasi yo'q vaqtida qo'yib yurdi. Ota-onasi esa qo'yni yoqolgan gumon qilib rosa axtarishdi, ammo hech qayerdan topisha olmadi. Sherzod esa ota-onasiga bu haqida aytmadi.

Oradan ikki hafta o'tib amakisi keldi. Sherzod kutilmagan tashrifdan besaranjom bo'lib qoldi. Siri ochilib qolishidan qo'rqdi. Amakisi otasi bilan suhbatlashib o'tirgan edi:

- Salim, o'g'lingdan berib yuborgan qo'ying yaxshi ekan. Berib yubormasang ham bo'lardi. Qachon topsang pulini beraverdnig. Menda u matohdan ikkita edi. Birini jiyaning olib keiuvdi, yana biri sovg'aga kelgan. Men u qadar qiziqmayman. Shu qo'yni Sherzod oilb kelib qo'ylaringga qo'shib qo'ysa. Kerak bo'lsa olib ketaverardim. Hamrohlaridan ajragani uchun ko'p ma"rayapti, -dedi u.

Bu gapni eshitgan ota-onasi Sherzodga qarashdi-yu, mehmonning oldida uni uyaltirishni lozim ko'rishmadi. Otasi biroz yerga qarab turdi-da, so'ng dedi:

- Mayli, aka siz nima desangiz shu. Sherzod olib keladi.

Amakisi bir oz suhbatlashib o'tirdi-da, so'ng xayrlashib chiqib ketdi.

Sherzodga bu holat qattiq ta"sir qildi. Otasining holati sira ko'z oldidan ketmadi. O'ylovsizlik bilan qilgan ishidan qattiq pushaymon bo'ldi. Ota-onasini tashvishga qo'yib qo'yni so'roqsiz olib borib bergani-yu, otasining qanday ahbolga tushgani uning uchun tarsaki bilan urgandan-da ziyodroq bir saboq bo'ldi. Sherzod ota-onasidan kechirim so'radi.

Ha, bolalar! Bilib-bilmay ana shunday ko'ngilsizliklarni keltirib chiqarib, so'ng pushaymonda qolmang. Sabr-toqat hamma vaqt maqsad sari boshlagan. Ota-ona farzandi uchun yashaydi, umrini bolalaruga bag'ishlaydi. Bularni doimo yodingizda tuting!

**Sumanbar CHORIYEVA.**
**Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumani.**



**Mohinura OMRULLAYEVA.**
**Toshkent viloyati, Chirchiq shahri.**



**Shohruh MADRAHIMOV.**
**Toshkent shahri, Sirg'ali tumani, 304-maktabning 5 «V» sinf o'quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ГОТИК МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ РОМАН УСЛУБИДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Европада 12 асрдан 14 аср охирларигача кенг ривожланган бадиий услуб готика деб номланади. Бу янги бадиий услуб кўпроқ иқтисодиётнинг, айниқса савдо соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг таъсири яққол сезилиб туради. Готика услубидаги бинолар роман услуби биноларига қараганда кенг ва баланд, соборлар эса бошқа барча бинолардан баландроқ бўларди. Готика услубидаги монастир ва черковларнинг деразалари ҳам катта-катта бўлиб, улар рангли ойналар билан безатилган. Париждаги Амьене, Англиядаги Кентерберри, Германиядаги Келн, Испаниядаги Леон черковлари готика услубида қурилган биноларнинг энг ёрқин намуналари сифатида бизгача сақланиб қолган.

### ЎРТА АСРЛАРНИНГ МАШҲУР САЙЁҲЛАРИ

Марко Поло сайёҳатчи ва тижоратчи эди. У 13 асрда - Европада иқтисодиёт ва савдо-сотиқ гуркираб ривожлана бошлаган даврда яшаган. Ғарб(Европа) ва Шарқ (Хитой) ўртасидаги алоқалар унинг номи билан боғланади. 1260 йилда ҳали



Марко Поло ёш бола пайтидаёқ унинг отаси ва тоғаси мўғул хони Хубилайнинг таклифига биноан Пекинга боришади. Улар Буюк ипак йўли орқали саёҳат қилган илк европаликлар бўлишган. Орадан кўп йиллар ўтиб ака-ука Пололар яна Хитойга боришади. Бу сафар уларга балоғатга етган Марко ҳам ҳамроҳлик қилади. Тез орада Марко янги жойга кўникиб, мўғулларнинг тили ва урф-одатларини ўрганиб олади. Хубилайхон Марко Пологa ўз саройида юқори лавозим таклиф этади. Шу боис у Хитойда 17 йил яшаб қолади. бу йиллар ичида у ҳали бирорта европаликнинг қадами етмаган Тибет, Жанубий-Шарқий Осиёда, Хитойнинг чекка ҳудудларида бўлади. 1295 йилда Марко Поло Венецияга қайтиб келади. Венеция ва Генуя ўртасидаги уруш пайтида у душман томонидан асир олинади. Қамоқдалигида Марко Поло ўзининг машҳур "Дунё ғаройиботлари ҳақида" номли китобини ёзади.

### БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Буюк ипак йўли карвонларнинг савдо йўли бўлиб, у одатда Хитойда бошланиб, Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Хўжанд, Термиз каби ривожланган шаҳарлари орқали ўтган ва Мисрдаги Искандария ёки Ливандаги Триполи денгиз портларида ўз якунига етган. Бу савдо йўли орқали хитойликлар ва узоқ Шарқдаги бошқа халқлар Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги мусулмон давлатлари, ҳамда европаликлар билан савдо алоқаларини олиб боришган. Ўша даврларда Шарқдан келтириладиган ипак матолар, чинни буюмлар, хушбўй воситалар ва пардоз ашёлари европалик савдогарлар томонидан катта миқдорда харид қилинган.




### ҒАРБ УЧУН БУЮК ПАРЧАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА ЭДИ?

1378 йилда Рим папаси Григорий XI нинг вафотидан сўнг унинг ворисини тайинлаш борасида сиёсий ва иқтисодий келишмовчиликлар юз берди. Бу эса католик черковининг бўлинишига сабаб бўлди. Айрим давлатлар папа сифатида Рим епископини тан олишса, бошқалари Франциянинг Авиньон шаҳрини ўзининг қароргоҳи қилиб олган руҳонийни папа деб тан олишган. Бу муаммо 15 асргача ўз ечимини топмай қолаверди. Айнан шу даврда Рим папаси ўзининг ягона ҳокимиятини ва Европа сиёсатидаги аввалги мавқеини тиклади. Аммо бу католиклик оқимига ўзининг илгариги қудратини тиклаб олиш имкониятини бермади. Маънавий инқироз натижасида жодугарлик ва сеҳргарлик ривожланиб кетди, расмий черковга қарама-қарши бўлган турли диний оқим ва қарашлар пайдо бўлди.

Орадан маълум вақт ўтиб протестантликнинг ғалаба қозониши билан Европа черковининг бўлиниши ҳақиқатга айланди.

### ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЭНГ УЗОҚ УРУШ ҚАЙСИ?

14 аср Европа тарихида кучли инқирозлар даврини бошдан кечирди. Турли юқумли касалликлар, кенг кўламли очлик, кетма-кет давом этган урушлар бунга сабаб бўлди. Франция ва Англия ўртасидаги тарихда "Юз йиллик уруш" деб ном олган уруш энг кўп давом этгани ва катта кулфатлар келтиргани бўлди. Бу уруш 1337 йилда Франция қироли Филипп де Валуа билан Англия қироли Генрих III ўртасида юзага келган Франция тахтига даъвогарлик борасидаги келишмовчиликлар боис бошланиб кетади.



Урушнинг дастлабки йиллари инглизларнинг қўли баланд келади. Аммо Карл V қироллиги даврида французлар ташаббусни ўз қўлларига олишади. Юз йил давом этган урушда Франция ғалаба қозонади ва 1475 йилда тинчлик битими имзоланади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

Турмуш чорраҳаларида

# НОМУС КУЧИ

Қишлоқдошлар, бир-биридан беш-олти уй нарида яшовчи Қурбонали ва Азизқул ўн чақиримча наридаги шаҳарчада уй тиклаб, том ёпишарди. Уларга яна ўттизлардан ўтган ҳамқишлоқлари Тошпўлат ҳам шерик эди.

Азизқул бугун нимадандир тажанг, кайфиятсиз. Кун бўйи ишлаб ҳам қош-қовоғи очилмади. Кечга томон:

- Мен бир уйга ўтиб келаман, - деб қолди.

- Ўзи бир кунлик, нари борса, икки кунлик иш қолди, - эътироз билдирди Тошпўлат. - Бир йўла тугатиб ҳисоб-китоб қилиб қайтардик-да.

- Э, ука, бу хотинини соғинган, - кулгуга олди Қурбонали. - Хотини ҳам жуда келишган-да! Ҳалигача янги келинчакдай. Шунга эсига тушса ичи гумираверади.

- Нима ишинг бор, менинг хотиним билан? - Жаҳли чиқа бошлади Азизқулнинг. - Ёшми, карими сенга нима дахли бор?

- Айтдим-қўйдим-да! - Шеригининг кайфияти бузилаётганини кўриб эҳтиёткорликка ўтди Қурбонали. - Тошпўлат айтганидек, озгина иш қолди. Болаларингни, рўзғорни сенинг эплаб ўтирибди. Яхши аёл-ку...

- Яхшилигини сен қаёқдан биласан? - Аланга ола бошлади Азизқул.

- Билса нима бўпти? - Энди Қурбоналининг нафсониятига тегди. - Бир маҳалла одами, озми-кўпми бир-бирини биладн-да. Тунов куни борганимда мен кўриб келувдим, ўтиришибди яхшигина...

- Мен сенга кўриб, билиб кел деганмидим? - Азизқул Қурбоналининг ёқасига чанг солди. - Борамиз, исботлаб берасан!

- Ўпкангни бос! - Азизқулнинг қўлини ёқасидан олиб ташлади Қурбонали. - Ниманга бунча жириллайсан? Сени ўша бешта туққан хотининг кимга керак?

- Қўйинглар, уят-э! - Ўртага тушиб ажратди Тошпўлат. - Бегона жойда, бировни ҳовлисида турибмиз-а! Кўрган-эшитган нима дейди?

Азизқул қўллари мушт бўлиб тугилиб, кўзлари ёниб, анҳорларини ҳам йиғиштирмай, қишлоқ томон йўлга тушди.

- Бекор қилдингиз Қурбонали ака, - деди Тошпўлат афсусланиб.

- Ўзи кечаги сафар борганда хотини билан айтишиб, тортишиб қолганга ўхшовди. Бугун шу эсига тушиб, келишиб-ярашиб олмоқчи бўлгандир, балки. Бу гапингиз баттар алангалатди.

- Ким билибди, бунақа жириллашини? - ўзини оқламоқчи бўлди Қурбонали. - Ҳар доимги ҳазиллар эди-ку. Бўлмаса мен ҳам кетдим. Яна бу тентак бориб, бир ишкал чиқариб юрмасин.

Азизқул ва Қурбонали олдинма-кетин қишлоқ томон кетиб боришаркан, Азизқулнинг хотини билан бўлиб ўтган нохушлик безовта қилаётган бўлса, Қурбонали бошқа бир гапнинг ошкор бўлишидан хавотирда эди.

Бир ҳафта бурун Азизқул уйга келганида хотини Рухсора уни жуда хуш кайфиятда қарши олди.

- Дадаси, қизимизни сўраб келишди.

- Қанақа жой, қанақа одамлар экан, - эҳтиёткорона сўради Азизқул.

- Битта бизга ўхшаган оиладир-да! Ҳали яна билармиз.

- Бу масалада шошмаган маъқул.

- Э! - кайфиятини бузгиси келмади хотин. - Қиз болани ушлаб ўтирганддан нима фойда? Қизингиз бўй етди, одам сўраб келди, шунга хурсанд бўлмайсизми? Сиз эркак киши, ишни қилаверинг. Бунақа масалани хотинлар ҳал қилади. Эркак қўшилмайди, аралашмайди. Ота-онамиз бизни унаштиришганда биздан сўрашганмиди? Булар ҳам шу-да!

- Майли, мен қўшилмай, аралашмай, - қаттиқ ботди бу Азизқулга. - Лекин мен у одамларни танимасам, билмасам қандай жавобимни айтаман.

- Қуда бўлгандан кейин борди-келди қиласиз-ку, ўшанда кўриб танишаверасиз. - Рухсора эрининг авзойи бузилаётганини кўриб, олдини олиб қўшиб қўйди. - Айтгандай, унаштиришгани келишади-ку!

Бироқ бу энди кеч эди. Азизқул қўлига эрк бериб, хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди. Рухсора гандираклаб, йиқилиб деворга суяниб ўтириб қолди. Азизқул оёғини кўтариб, елкасига тепмоқчи эди, нимагадир шаштидан қайтиб оёғини туширди.

- Бўлинг, тепинг ахир, нимага туриб қолдингиз? - Кўзларидан ёш қуйилиб бидирлади Рухсора. - Бир йўла ўлдиринг-қўйинг. Ўзингиз кейин болаларингизга бош бўлиб ўтирасиз. Хотин зоти шунга яралган экан, бир умр эрининг хизматини қилади, бола туғиб, катта қилиб беради, эвазига калтак ейди...

Азизқул хотинини уриб оширвордимми, деб афсусланса-да, унинг калтафаҳмларча айтган гапларидан нафрати қўзиб, ўзини оқларди. Шу куни болалари билан ўтириб, овқатланмади ҳам. Бошқа хонага чиқиб ётди. Қизи унга кечки овқат, эрталаб нонушта олиб кириб берди. Нонушта қилиб Азизқул йўлга тушганда Рухсора дарвозагача кузатиб чиқиб:

- Дадаси, - деди. - Энди менинг ишим йўқ. Қизингизни кимга, қаёққа берасиз, ўзингиз биласиз. Сепини ҳам, бозорни ҳам ўзингиз қиласиз.

Азизқул гапирмай хотинига бир тикилиб олди-ю, кўнгли ҳижил бўлиб йўлга тушди.

Азизқул аслида бугун уйига келиб шу кўнгилсизликни бартараф қилмоқчи эди, лекин бу Қурбоналининг гапи... Қурбонали хизматдан келганида отаонаси уни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Унинг кўнгли шу қишлоқлик қиз Рухсорага мойил эди. Сезишимча, Рухсора ҳам унга бефарқ эмасди. Жуда гўзал деб бўлмаса-да, кўҳликкина, истараси иссиқ, содда кийимларда безак, пардоз-андозларсиз ҳам ҳар қандай йигитнинг диққатини тортарди. Совчиликка борган ота-онаси ноумид қайтишди.

Бу пайтда Қурбонали фермага ишга кирган, Рухсора сигирларни соққани онасига ёрдамга келиб турарди. Кўп ўтмай, уни бошқа оилага унаштиришди. Бир куни Қурбоналига рўпара келиб, узрини айтди.

- Нима қилайлик, биз ота-она измидан чиқолмасак. Чиққанлар бахт ҳам, барака ҳам топмаяпти.

Рухсоранинг тўйи бўлиб ўтгач, Қурбоналининг ота-онаси ҳам қўшни қишлоқдан келин қилиб, тез орада тушириб олишди.

Турмушга чиққач Рухсора онасининг ўрнига соғувчи бўлиб қолди. Бир куни қоронғи тушган пайт сигирларни соғиш учун келганида Қурбонали охурларга хашак солаётганди. Рухсора бир челакдан соғиб, қаторнинг ўртароғига етиб, навбатдаги сигирнинг ёнига келганида Қурбоналининг кўзи унга тушиб, сал бўлмаса ўзини йўқотиб қўяёзди. Чироқ шуъласида келинчак ниҳоятда жозибали кўриниб кетди. Энди тағига курсича қўйиб, соғишга ўтирганидагина, чироқ ўчиб қолди. Рухсора "вой" деганча ўрнидан турди. Қурбонали фурсатдан фойдаланиб, кела солиб уни орқасидан келиб қучоқлаб, кўкракларига чанг солди.

- Э, ўлинг, шарманда! Нима қилаяпсиз?! - кулиб юборди Рухсора. Қурбонали энди уни маҳкам бағрига босиб, юзларидан, бўйнидан бўсалар оларди. Ҳирсдан энтикарди.

- Вой, қўйворинг, қанақа одамсиз? Уятни биласизми-йўқми?

Рухсора нозланарди-ю, аммо бўшашга уринмас, қаршилик қилмасди.

- Юр, менинг хонамга бориб ўтирамиз, - деди Қурбонали эҳтиросдан ҳансираб.

- Жиннимисиз? - эътироз билдирди Рухсора. - Кейин чироқ ёнса ўша ердан чиқиб келаманми? Кўрган-эшитган нима дейди? Бўлди энди, ҳаддингиздан ошманг. Яхшигина хотинчангиз бор.

Бироздан кейин бригадирнинг кимгадир бақиргани эшитилди.

- Бўл, тезроқ туват! Чироқни ёқ!

Бу иккаласини ҳам ўз ҳолига келтирди. Ўн дақиқаларча ўтиб, чироқ ҳам ёнди. Ҳамма яна ўз ишига уннаб кетди. Ана шунда Қурбонали Рухсоранинг билинар-билинмас қаппайиб қолган қорнига кўзи тушиб, эҳтироси сўнди. Қарама-қарши қатордаги ёши катта соғувчи аёл ишга киришаётиб, булар томонга бир сирли қараб қўйди. Қурбонали қилган ишидан афсусланиб, виждони қийналаётган бўлса-да, бир кўнгли бу қилмишидан завқи келиб, гурурланиб қўярди.



Ниҳоят афсус устун келди. Бу кеча навбатчиликка қолиш унинг гали бўлса-да, шеригидан илтимос қилиб, уйига қайтди. Ўрнига ётиб, минг хаёлга ўралашиб, эрталабгача тўлғониб чиқди. Туриб, ювиниб келиб хонага қайтиб кирса, хотини Гулбаҳор юм-юм йиғлаб ўтирибди.

- Нима бўлди? - безовталанди Қурбонали.

- Буни сиздан сўраш керак.

- Менга нима бўпти? - Қурбоналининг юраги "шув" этиб кетди.

- Хотинингиз қандай тонг ортирганини билдингизми? Келдингиз-у, тескари қараб ётволдингиз. Ёнингизда хотин бормийўқми хаёлингизга ҳам келмайди. Ё ишхонангизда аёллардан биронтаси кўз суздими?

- Нималар деяпсан? У ер ишхона-ку! Аёлларнинг ҳам эрлари, эри йўғининг оиласи бор.

- Барибир, эркак-хотин аралаш ишлайдиган жойда шивир-шивир, миш-миш чиқади. У ердан бўшанг, бошқа ишга ўтинг.

Қурбонали хотинининг қистови билан ўша заҳоти бўлмаса ҳам, икки ойлардан кейин фермадан бўшади. Ишлаб юраркан, Рухсорага рўпара келишдан чўчиб, ўзини ундан олиб қочарди. Бир куни Рухсора ёнидан пичинг қилиб ўтди.

- Бунча ҳуркадиган бўлиб қолдингиз? Ё ҳар куни ишдан бориб, хотинчангизга ҳисоб берасизми?

Қурбонали бу гапдан довдираса-да, нафрати келди.

- Ҳа, энди яхши хотин эрини қизғанаркан-да! - деди зўрға.

- Вой-бў! - киноя билан бош чайқаб қўйди Рухсора.

Қурбонали тракторга ишга ўтгач, Рухсорани деярли бутунлай унутворди. Бир марта гурунгда ўртоқларига қилмишини айтиб, мақтанганини ҳисобга олмаса, бошқа ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очгани йўқ.

Ҳозир йўлда келаётган Қурбоналининг қўрқув ва хавотири ана шундан эди. Азизқул буни билган бўлса... Шундай ҳадик ва истиҳолалар билан уйига етиб келганида дарвозаси ёнида Азизқул хотини билан турарди.

- Қани у ғийбатчи эрингиз? - деб ўдағайларди Гулбаҳорга. - Исботлаб берсин.

- Мана, мен келдим, - деди Қурбонали юрак ютиб. - Ваҳима қиладиган нима гап бўлди ўзи?

- Қурбонали ака, - деди Рухсора алам билан. - Қачон сиз мени олдимга келдингиз? Мен сиздан айтиб қўй, деб бирор гап тайинлаганмидим?

- Ҳа, энди... - эсанкираб, саросимага тушди Қурбонали. - Ўша куни уйларингнинг ёнидан ўтиб кетаётганимда кўзим тушувди. Ҳаммаёқ тинч, болалар ҳам юмуш билан банд эди. Шунга ишора қилиб, оиланг тинч, хотининг рўзғорни эплаб ўтирибди, дегандим. Бор гап шу. Буни бир айби бормикан?

- Тинчми, йўқми, нима қилардингиз бизнинг рўзғорга аралашиб?! Шу бир оғиз гапингизни деб, мен шунча йил яшаб, емаган калтакни едим.

Рухсоранинг кўз остлари кўкариб кетганди. Гала-ғовурни эшитиб, қўшнилар ҳам чиқишганди.

- Уят-е! - эрига ён босди Гулбаҳор. - Кап-катта эр-хотинлар шу гапни судраб юрибсизлар? Ўзи ёшлигида сиз билан гапсўз бўлишдан қўрқиб ишдан бўшаб кетувди. Яна камларинг борми?

Рухсора бу гапга чидолмай, Гулбаҳорга ташланди.

- Эрингга шунчалик ишонаркансан, йўлга солиб тилини тийиб юришни ўргатсанг бўлмайдими?

Қўшни аёллар ажратишмаганда иккаласи бир-бирини юмдалаб ташлашлари аниқ эди. Икки оилани зўрға тинчитиб, уй-уйларига жўнатиб юборишди.

Қурбонали эзилиб тушкун, умидсиз бир ҳолга келганди. Гулбаҳор эрини бир амаллаб кўндириб, кечки дастурхонга олиб кирди.

- У хотин билан орамизда ҳеч қанақа гап йўқ, - деди ҳамон ўзини оқламоқчи бўлиб Қурбонали. - Гапирган бўлсам, тўғри кўнгилда гапирганман.

- Қўйинг, гапирманг ўшаларни! - эрига ачиниб кетди Гулбаҳор. - Ўлиб кетмайдими? Итлар бир акиллади, деймизқўямиз-да! Ўша хотинини чалпакка ўраб берса, ит қарамайди-ю, нимасини бунча қизғанади?

Қурбонали қистов билан дастурхондан нарироқ-бери тайинган бўлди-ю, хотинига:

- Менга нариги хонага жой қилиб бер, - деди.

Гулбаҳор саволомуз бир қараб қўйди-ю, эътироз билдирмади. Эрталаб Гулбаҳор нонушта тайёрлаб хонага кирганида у жойида йўқ эди. катта ўғлига:

- Бор, - деди. - Томорқани бир кўриб кел. Сув очгандирлар.

Ўғил бир пасдан кейин қайтиб келди.

- Кўрдим, йўқлар. Арикқа ҳам чиқдим, кўринмадилар.

- Бўлмаса бор яна, оғилни кўр. Молларга қараётгандирлар. Шу ишларни сал вақтлироқ туриб сенлар қилсанг ҳақларинг кетади. Ёши бир жойга борган дадаларинг ҳалигача кетларингни тозалаб юради.

Ўғил бирпасдан кейин рангиқути учиб, дир-дир титраб, тили калимага келолмай, қайтиб келди.

- Дадам... - деди зўрға. - Ўзларини осиб қўйибдилар...

**Комил НАЗАР**

# Ахтариб топсаммикан?

(Боши ўтган сонда)

Лекин Даврон бу қизни суймас, Олтинойдаги жозибали "фазилат"ларни топмас, унинг бунчалик тортинчоқ, уятчан, соддалигини тушунмас, хуллас, кўнгли уни истамас эди. Ишдан келган пайтларида Зарифанинг югуриб пешвоз чиқишлари, хижолатдан қизаришларидан ҳайратга тушар эди.

Бундан ташқари Даврон шуни тушундики, Олтиной ўзи билан бирга Давроннинг эркаклик эҳтирослари, ишқий ҳис-туйғуларини ҳам олиб кетган эди. Охири бўлмади, қачонгача ўзини эркакман, эрман, деб алдайди, ахир ўғирликни ҳам уч кундан ортиқ яшириб бўлмайди-ку! Ахир у оддий мол-дунё ўғриси эмас, балки бахт ўғриси-ку! Шундан сўнг у Зарифани хобгоҳда ёлғиз қолдириб, ўзи меҳмонхонада тунайдиган бўлди.

Бир куни Даврон ярим кечада кимнингдир йиғлаётганини эшитиб ўрнидан турди. Чироқни ёқиб қараса, Зарифа йиғлаяпти.

- Ҳа, нимага йиғлаяпсан, - дея сўради у уйқусираб, дўнғиллаган овозда.

- Менинг айбим нима, Даврон ака? Нега сиз бундайсиз? - деди кўз ёшларини артиб.

- Нега бундайман? - деди овозини кўтариб Даврон. - Буни ўзингдан сўрагин, мен сенга айтдим-ку, истасанг, ўзинг кел, мени олдимга деб.

Бутун аъзои бадани дағ-дағ қалтираётган Зарифа уяту номусдан кўрпага бурканиб олиб:

- Мана, мен қандай... йўқ, айтолмайман, - деди-ю орқасини ўгириб олди.

Даврон эса:

- Э, билганингни қил, сенга биров ўн беш кунда эрга теккин, дебдими? Йўқ деганингда, менинг бошимга ҳам шунча балоларни ёғдирмаган бўлармидинг?

Давроннинг аламли гапларига чидолмаган Зарифа ирғиб ўрнидан турди-ю:

- Ким, ким сизга шунчалик зор бўлган экан? Ахир менинг ойим ҳам яхши оила, ўқимишли йигит, ёши ҳам анча катта, ҳаётни тушунади, қадрингга етади, деб ҳоли-жонимга қўймади-ку! Мана, ўртоқларим мазза қилиб беғам, беташвиш институтда ўқишаяпти. Менинг эса ҳолимга маймунлар йиғлаяпти. Бу хонадонга келиб, фақат эрга тегди, деган номни орттирдим, холос. Майли эди, ҳеч бўлмаса одамга ўхшаб, муомалангиз бўлганда эди, - деди жаҳл билан.

Шундан сўнг Зарифа бирор марта ҳам чурқ этмади, ота-онасига айтмади. Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмас эди. Орадан бир ярим йил ўтгач, Зарифанинг ота-оналари:

- Биз бир жойдаги одамлармиз, кўз-кўзга тушади, майли, ёлғон тақдир экан, - деб Зарифанинг кўч-кўронларини олиб кетишди.

Яхшиямки, ўша куни Даврон ҳаммомхонага кириб бекиниб олган экан, худо сақлагани шу-да. Бўлмаса, Зарифанинг баджаҳл отаси нақд биқинидан дарча очган бўлар эди. Шундай қилиб, Даврон навбатдаги бу жиноятдан ҳам хамирдан қил суғургандай осонгина қутилди. Уйланиш қанчалик осон бўлган бўлса, ажралиш эса ундан ҳам осон бўлди. Ўртада бола йўқ. ЗАГС ажратди-қўйди. Опаси Робия ҳам томошабин бўлиб турмади, албатта, жонини жабборга бериб, оғзини тўлдириб, укасининг шаънини ҳимоя қилиб:

- Келин бола ивирсиқ экан, кирни тоза ювмас экан, овқатни мазали пиширмас экан. Қайнона-қайнотага хизмат қилишини билмас экан, - деб ҳаммаёққа жар солиб чиқди.

Шундай қилиб, Давроннинг яна қайтадан "бўйдоқлик" даври бошланди. Энди унинг ишқий саргузаштлари Зарифа сингари содда, мўмин, бети-кўзи очилмаган аёллар эмас, балки "кўнгил кўчалари"да сайр қилиб юрган аёллар билан бўладиган сирли учрашувларга ошиқар эди.

Орадан беш йил ўтди. Даврон ҳануз хотинсиз. Ойижони, опалари шаҳарнинг жин кўчалари-ю, қишлоқнинг чанг кўчалари қолмай, зир югуриб келин ахтаришар, "ичидан нафақат бола, ҳатто сичқон тушмайдиган туғмас хотин"дан жабрланган жигарларини кўкларга кўтариб мақташар, баҳосини оширишар эди. Албатта, аёлларнинг машаққатли меҳнатлари натижасиз қолмади. Қармоққа яна битта "олтин балиқ" илинди. Бу қиз ҳам яна бир шўрлик ўқитувчининг қизи бўлиб, биринчи бахтидан ёлчимаган эди.



"Бу ўқитувчи халқи бунча содда, бунча ишонувчан бўлмаса, - деб ўйлар эди Даврон. - Ахир сутга оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган мақолни билишмасмикан? Қаранг, бунисининг исми Замира экан, нима бало эгизакмикан булар?.."

Афсус, онаси бу келинни кўра олмади. Келинни тушириб келган куни кечаси ойижониси бу ёруғ дунё билан видолашди. Ўзи ҳам жуда кўп азоб чекди, тилсиз, оёқ-қўлсиз, салкам бир йил, бир жойда ётиш осон эканми? Онасининг ўлимидан сўнг, шўрлик отаси етим боладай бўзлаб қолди. Қолаверса, отасининг шу хонадондаги беш фарзанди ичида ўзининг пушти паноҳидан яралган зурриёди, шу Даврони эди. Албатта уларни ҳам ўз фарзандидай кўриб ўстирди. Ўқитди, уйли-жойли қилди, невaралик бўлди. Лекин ўзининг ёлғиз фарзандини, оиласи билан тинчгина яшашини кўра олмади. Афсус, минг афсус, отаси ҳам онаси каби бу ёруғ дунёдаги армону афсуслар билан кетди...

Энди Даврон яна хотинлик бўлди. Буниси янаям ёшроқ, янаям мўмин, ювош қиз бўлиб, уй хизматини тиндирар, вақтида ибодатини қилар, эрининг ҳурматини жойига қўяр, хуллас, ҳамма яхши фазилатларга эга эди. Лекин буниси ҳам энг муҳим фазилатни, яъни эркакни ўзига ром этиш фазилатининг кўчасига бош тиқмаган.

Замиранинг иккинчи турмуши бўлгани учун уйдаги сирни кўчага чиқармас, ҳеч кимга, ҳаттоки, ота-онасига ҳам оғиз жуфтлаб гапиролмас эди. Йиллар ўтиб борар, умр ўтиб борар, Давронжон эса ҳамон кўнглини хушлаб, ўйнаб юрарди.

Бир куни Замира:

- Даврон ака, нима қиламиз, бир дўхтирга учрасак бўлармиди? Қачонгача мевасиз дарахт бўлиб юрамиз? Ахир, биз тенгилар ҳадемай ўғил уйлаб, қиз чиқаришади.

Замиранинг гапини охиригача эшитолмаган Даврон ўрнидан сапчиб туриб кетиб, хотинига еб қўйгудай тикилиб:

- Ҳали кўнгиллари ширин мевани истаб қолдими? Бор, йўқол, ана дарвоза, катта очиқ, тўрт томонинг қибла! Кўраман, сени яна ким учинчи марта хотинликка оларкан? Мана биттасини кўрдим. Сендан аввалги Зарифа ҳам иккинчи марта эр қилиб, битта чурвақани орттириб: "Эримароқхўр, нашаванд", деб унисидан ҳам ажралиб, учинчи марта яна бировнинг эрига тегиб олиб, яримта эр билан яшаяпти. Сен ношукр эса бутбутун, ичиб-чекмайдиган мендай йигитнинг қадрига етмаяпсан, - деб хотинини дарвоза томонга қаратиб итариб юборди. Ўзи шундай ҳам жонидан тўйган Замира уйга кириб кичкина тугунни олди-ю, индамай чиқди-кетди.

Эртасига етиб келган опаси Робия:

- Қўй, укажон, хафа бўлмагин. О, Худо олсин уни! Қаёққа ҳам борарди, келади-да! Ҳозир қизларга эр йўғу, иккинчи марта эр қилиб, эрнинг сонини орттирганларга эр тайёр турибди эканми? Ўзи кетар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр деган қўшиқни эшитганмисан?

Бироздан сўнг чой дамлаб келган опаси:

- Даврон, бу ёққа кел, бир қизиқ нарсани айтиб бераман. Биласан-у, ҳалиги сендан кейин ҳам "пуф сассиқ" бўлган Зарифанинг ойиси билан бирга ишлайдиган ёш бир аёл кечагида гап тортишиб қолиб: "Сен яхши аёл бўлганингда, қизинг уч марта эрга тегармиди?" - деб онаси тенги аёлни роса таъзирини берибди. Ҳозирги ёшларга тан бераман, гап келганда отасини ҳам аяшмайди. Биласанми, шу гапдан сўнг у шўрлик нақд гўрнинг оғзига бориб келибди. Ажаб бўпти, дедим ичимда. Кўрдингми, укажоним, эркак ўн марта хотин олиб, хотин қўйса ҳам айб эмас. Ҳамма гап-сўз, иснод тошлари аёлларга қараб отилади, - деб укасини анча тинчитиб уйига қайтиб кетди.

Мана, энди бир вақтлар одам тўла бўлган ҳовлида Даврондан бошқа ҳеч ким йўқ. Яхшиямки шу хонадонга садоқатли бўлган опаси Робия бор. Келганида ҳамма рўзғор ишларни қилар, укасининг кўнглини кўтарар эди. Лекин опасининг ҳам ўз уй-жойи бор, гоҳида эса дараги бўлмайди. Даврон эрта кетиб, кеч келади. Хотиннинг орқасидан бориб ялингани эркаклик, эрлик ғурури йўл қўймайди, эр керак бўлса келар, деб ўйлайди. "Ўлганнинг устига тепган", деганларидай, кўп ўтмай Замиранинг ҳам акалари келиб: "Ташлаб қўйган синглимиз йўқ", - деб ҳамма нарсаларини йиғиштириб, машинага юклаб кетишди. Опаси айтмоқчи Замира ўзи кетиб, ўзи келмади, балки Давронни тубсиз бир жарлик ёнида якка-ёлғизликка маҳкум этиб, даврu давронли кунларига чек қўйиб кетди.

- Мен кимман ўзи? Нима учун дунёга келдиму, нима иш қилдим? Қайси бир гуноҳларимни айтай? Қайси бирини ювай? - деб ўзини ёзғирди Даврон.

Уч оиладаги бир-биридан ақлли, фаросатли, гўзал, бокира, покиза қизларнинг ҳаётини барбод қилдим. Уч оиладаги ота-оналар, опа-сингилларни, қариндош-уруғларни ташвишга қўйдим, қарғишига учрадим. Ахир қайси хонадон эридан ажралиб, турмуши бузилиб келган қизи билан фахрланади? Шўрлик отанинг мағрур боши эгик, не-не орзу-ҳаваслар билан фарзанд ўстирган муштипар онанинг тили қисиқ. Орзулар армонга айланган, илк беғубор ҳис-туйғулари топталган, ҳасрат-надоматлар билан минг хижолат-у уят билан ота уйига қайтган қизнинг дили ўксик. Ахир буларнинг уволи мени тутмасдан, кимни тутсин?! Кимни?!

Кенжатойи, эркатойининг тиниб-тинчиб кетганини кўролмаган, унинг зурриёдини бағрига босолмаган, тўшакка михланиб қолиб, дилидаги дардларини тилига чиқара олмай, кўзларидан шашқатор ёшларини оқизиб, ялиниб-ёлвориб, термулган волидаи меҳрибоним, онажонимнинг уволи мени тутмай, кимни тутсин? Кимни?!

Ёруғ дунёдаги ёлғиз зурриёди, фарзанди жигарбандининг бахтсиз-у тахтсизлигидан юрак-бағри эзилган, қон қақшаган, оталик меҳр-муҳаббати, шону шавкати, куч-қудрати оёқости қилинган, тўрт девор ичида ўз ғаму ғурбати билан ёлғиз, ғариб бўлиб қолар, ҳаётининг сўнгги дақиқаларида бир қултум сувга зор бўлиб, қақраган лабларини намлай олмаган отажонимнинг уволи мени тутмай, кимни тутсин? Кимни?!

Ёлғизгина шамчироғим, қизалоғимни ота меҳридан маҳрум этиб, ундан юз ўгириб, уни аччиқ тақдир қўлига топшириб, қаердалигини билмасам, ахтариб тополмасам, бунинг уволи, норасида гўдакнинг уволи мени тутмай, кимни тутсин? Кимни?!

Оҳ, нима қилай? Бутун вужудим, жисму жоним виждон ўтида, армон ўтида, афсус-надомат ўтида ёнаяпти, куяяпти.

Эй, Оллоҳим, мен ношуд, нафақат ношуд, балки нопок, иймон, инсофу диёнатдан йироқ инсонман! Йўқ, инсон эмас, инсон шаклидаги иблисман, иблис. Даврон бошини деворга урар, уйининг ичида телбаларча гир-гир айланар, ўзини-ўзи сўкар, йиғлар-сиқтар эди.

Боши айланган, чарчаган Даврон ерга ўтириб қолди. Шу пайт қоронғу тун қўйнида жуда узоқдан хира чироқ ёруғи милтиллагандай бўлди. У ҳушёр тортди.

- Бу қандай чироқ, бу қандай ёруғлик экан, - деб ўйлади у. Ўйлади-ю:

- Ахир бу менинг чироғим, ёлғизгина қизалоғим эмасми? Ҳа, худди ўша! Нима қилай, ахтариб топсаммикан? Мени, ўз отасини танирмикан? Тан олармикан? - деб ўйлади Даврон. Бу ўйидан дили ёришгандай бўлди.

* * *

***Сиз нима дейсиз, муштарий? Даврон ўз бахтини топармикан? Мактубларингизни кутамиз.***

**Раъно ҲИММАТҚУЛОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

# ЭНГ АЖОЙИБ ОШХОНА...




**Маълумки, баъзи ошхоналарда фақат овқат тайёрланмайди. Балки ошхона кўпчилик учун оилавий нонушта, кечки овқат ва меҳмонлар билан чойхўрлик қилинадиган жой ҳамдир. Шунингдек, ошхона ҳар бир хонадоннинг камчиликлари-ю, моддий аҳволини ҳам акс эттиради. Хотиржамлик ва ўзаро меҳр-муҳаббат ҳукмронлик қиладиган, яқинларингиз билан ҳар доим йиғилишга интиладиган ошхонангиз шинам ва хавфсиз бўлиши муҳимдир. Биз сизга овқат тайёрлаш, идиш-товоқларни ювишдек юмушларни зерикмасдан, енгил ва фойдали бажаришни ўргатамиз.**



## РАНГЛАР ВА ХУШБЎЙ ҲИДЛАР...

**Ҳозирги пайтда қурилган уйлардаги ошхоналар анча торроқ бўлгани боис уни истаганимиздек жиҳозлай олмаслигимиз мумкин. Лекин шундай бўлса-да, баъзи бир майда-чуйда камчиликларни ранглар ва хушбўй ҳидлар ёрдами билан йўқотиш мумкин.**



Ошхона нафис мовий ва оч яшил рангларда бўлгани маъқул. Бу ранглар тозалик ва орасталикдан дарак бериб, ошхонани кенгроқ кўрсатади ҳам. Ошхона шундай рангларда жиҳозланса-да, ёрқин ранглардан ҳам воз кечманг. Масалан, ошхонага сариқ люстра ва бир-бирига уйғун бўлган рангли буюмлардан ҳам қўйиб қўйинг.

Озишни истаганлар ошхонага иштаҳани очадиган қизғиш -қизил рангли, идиш-товоқлар ва мебеллар қўймаганлари маъқул. Сиёҳ рангли буюмлар қўйилса тўқлик ҳиссини уйғотади. Ошхонанинг сариқ рангда бўлиши овқатни ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилайди.

Ошхонадаги идиш-товоқларнинг ранги ҳақида алоҳида тўхталамиз. Турли сервизлардан қолган ҳар-хил рангдаги тарелкалардан воз кечинг.Бир хил рангдаги гулсиз тарелка ва пиёлалардан фойдаланинг. Чунки идишлардаги бир хил гуллар кўп ўтмай меъдангизга тегиши мумкин. Шунингдек, ошхонада чой ичилаётганда ва суҳбатлашаётганда чекманг. Ошхонадан турли зираворлар, занжабил, анис ва райҳон ҳидлари келиб тургани маъқул.

Эндигина балиқ қовурган ёки лавлаги қайнатаётган пайтингизда меҳмонлар келиб қолиши кутилаётган бўлса, товада озроқ қаҳва қовуриб юборинг. Қаҳванинг хушбўй ҳиди барча ёқимсиз ҳидларни йўқотади ва кайфиятингизни яхшилайди.

## ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАСИ

**Ошхона оиладаги шинамлик ва фаровонликни билдирса ҳам ўзига хос хавфли томонлари бор. Масалан, газ сизиб чиқиши натижасида ёнғин содир бўлиши ёки газ плитаси портлаб кетиши мумкин. Маълум бўлишича энг кўп ёнғин айнан мана шу ошхонадан келиб чиқаркан. Шундай экан кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?**

**1.** Газ плитасини сотиб олиш ва уни қандай қилиб ўрнатиш кераклигини яхшилаб билиб олинг. Техник ҳолати ва хавфсизлигини текшириб кўринг.

**2.** Ёнаётган газ кислородни йўқ қилади, шунинг учун ошхонада доимий вентиляция бўлишига эътиборли бўлинг.

**3.** Куннинг совуқ пайтларида уйни газ ёқиб иситманг. Шунингдек, вентиляцияни ҳам беркитманг. Кислород камайган хонада ўтирган кишининг юрак фаолияти ва қон айланиш тизими фаолияти ёмонлашади. Иммммунитети пасайиб, кўзидан ёш оқа бошлайди.

**4.** Агар сиз газ қувури тешилганини сезсангиз, ўша жойни гугурт ёқиб топишга уринманг. Газ чиқаётганлигини текшириш учун:

- аввало газ қувурига совунли сув суриб чиқинг. Шунда газ чиқаётган жойда совун пуфаги пайдо бўлади.

- иккинчидан, газ кўп чиқаётган бўлса ўзига хос ҳуштак овози эшитилади.

- учинчидан эса газ чиқаётган жойдаги ҳид кучаяди.

Газ қувурининг тешилган жойини аниқлаб олгач, газ келадиган кранни беркитинг. Дарҳол ошхона деразаларини очиб ташлаб, устани чақиринг.

**5.** Газдан фойдаланаётганингизда тайёрлаётган таомингизни назоратсиз қолдирманг. Агар газ ўчиб қолса, елвизак плитанинг портлашига сабаб бўлади.

**6.** Овқатга ишлатиладиган ёғингизнинг қандайлигини албатта билишингиз керак. Чунки уларнинг баъзилари сал кучли ҳароратда алангаланиб кетиши мумкин. Ёнаётган қайноқ ёғни ҳеч қачон раковинага қўя кўрманг. Уни ўчириш учун сувдан фойдаланманг. Бундай пайтда дарҳол газ ва электрни ўчириб, олов устига дағал мато ёпинг.

**7.** Ошхонада фойдаланиладиган ҳар бир буюмнинг ёрлиғини диққат билан ўқиб чиқинг. Тез аланга оладиган ювиш воситаларини ошхонада сақламанг.

## ҚЎЛЛАРНИ АСРАШ СИРЛАРИ...

**Ҳар бир уй бекаси ҳар куни истаса-истамаса идиш-товоқ ювишига, кимёвий воситалардан фойдаланишига ва сабзавот тозалашига тўғри келади. Бу эса қўл терисининг қуруқшаб, ёрилишига ва кўкариб қолишига сабаб бўлади. Яхши парваришланмаган қўллардан эса танага турли микроблар ўтиши табиий.Хўш, шундай экан, қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин? Эътиборингизга қўлларни парваришлашга оид маслаҳатларимизни ҳавола этамиз.**



➔ Нафақат идиш-товоқларни юваётганда, балки, сув билан боғлиқ ҳар қандай ишни бажаришдан олдин қўлларингизга албатта қўлқоп кийиб олинг.

➔ Сабзавот тозалаб, идишларни ювгандан кейин қўлларингизни сирканинг кучсиз эритмаси (литр сувга ош қошиқ сирка қўшилган) сув, кефир ёки лосьон билан артинг.

➔ Қўлингизни ёғли, юмшатувчи атирсовунли илиқ сув билан ювинг.

Қўлларни намлигича қолдириш мумкин эмас, ювилгандан сўнг дарҳол сочиқ билан артиб, крем суринг.

➔ Ҳафтада бир-икки марта қўлингизга крем суриб, читдан тикилган қўлқоп кийиб ётинг. Ёки уйқуга ётишдан олдин қўлларингиз ва тирноқларингизни озиқлантирувчи бирорта крем билан уқаланг.

➔ Агар қўл терингиз қизариб, қуруқшай бошласа нашатир спирти ва глицеринли сув билан (1 литр қайноқ сувга 1 ош қошиқ глицерин ва 1 чой қошиқ нашатир спирти қўшилади) ванна қилинг.

➔ Ҳафтада бир марта илитилган ўсимлик ёғи, сули ёрмаси, картошка, маврак (шалфей), мойчечак (ромашка) гиёҳлари дамламаси билан қўлларингизга ванна қилинг.

➔ Қўлларингиздаги жароҳатлар ва уларни тузатиш, тирноқларни тез ўстириш учун темирга бой, В витамини, йод ва кальцийга бой озиқ-овқатлар, кўкатлар, сабзи, сут-қатиқ маҳсулотлари ва тухум истеъмол қилинг.

## ЗАҲАРЛАНИШ САБАБЛАРИ...

**Кўпчилик қўллари тоза бўлиб, маҳсулотнинг сақланиш муддати ўтмаган бўлса, захарланишнинг олди олинган, деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, биз ошхонада йўл қўйган хатоларимиз маҳсулотлар орасига микробларнинг кириб қолишига сабаб бўлади.**



Захарланишга асосий сабаб бўладиган маҳсулот гўшт ҳисобланади. Улардаги микробларни тозаликка риоя қилингандагина йўқолиши мумкин. Гўшт ва товуқнинг пишиб етилганини билиш учун уларга санчқи тиқиб кўрилади. Агар санчқи тиқилган жойдан тиниқ, олтинранг шарбат ажралса демак, пишган бўлади. Пишган балиқ эса вилкага ёпишмайди. Шундай қоида эса тухумга ҳам тегишли. Ювилмаган тухум пўсти салмонелла гижжаси тарқалишининг асосий манбаи ҳисобланади. Тухумни камида 5-7 минут қайнатиш лозим. Қовурганда эса то шаффоф ажралма йўқолгунча қовуриш давом эттирилади.

Энди эса тайёрланган маҳсулотларнинг сақланиш муддати ҳақида. Ҳар қандай пиширилган озиқ-овқат агар ортиб қолган бўлса дарҳол музлаткичга қўйилади. Картошка, сабзавотлар ва ёрмалар музлаткичга қўйилмаса ҳам узоқ вақтгача сақланади. Тайёрланган салатлар, бўтқа ва бошқа овқатларни оғзи қопқоқ билан маҳкам беркитиладиган идишда сақланади.

Бироқ шуни унутмаслик кераккi, музлаткичда озиқ-овқатлар ҳамиша яхши сақланавермайди. Сосиска, колбаса маҳсулотлари музлаткичдаги стандарт ҳароратда яхши сақланса-да, балиқ ва гўшт маҳсулотларини сувқоғозга ўраб музхонага қўйиш лозим. Консерваланган маҳсулотларни ҳар қандай ҳароратда ҳам сақлаш мумкин, деб ўйлайдилар. Лекин, банкадаги музлаб қолган консерваларни ташлаб юбориш керак. Қопқоғи шишиб, кўтарилиб қолган, занг босган қопқоқли банкалардаги маҳсулот ҳам истеъмолга яроқсиз ҳисобланади. Шунингдек, ейишдан олдин ҳар қандай меваларни яхшилаб ювиш тавсия этилади. Айниқса, ерда етилган илдизмевали маҳсулотларни албатта қайноқ сув билан ювиш лозим. Банан, мандарин ва апельсин ҳам дастурхонга қўйишдан олдин қайноқ сув билан чайилиши керак.

Давоми 15-бетда ➔

# ЭНГ АЖОЙИБ ОШХОНА...

←Боши 14-бетда



**Ошхона уйдаги энг муҳим жой ҳисоблангани учун уни жиҳозлашда ҳар бир нарсага эътибор қилиш лозим. Бу ҳақда фэн-шуй мутахассислари шундай маслаҳат беришади:**

Уларнинг фикрича газ плитаси таомлар тайёрлангани учун оиланинг моддий аҳволидан дарак беради. Уйда ҳамма нарса етарли ва таом мазали, ҳар хил бўлиши учун газ плитасини ниҳоятда тоза сақлаш лозим. Шунингдек, ошхонада албатта деразалар бўлиши шарт. Кирланган ойналар ва улардаги дарз кетган синиқлар оила аъзоларига ёмон қувват бериб, уларнинг кўз нурига салбий таъсир кўрсатади. Яхшилаб ёпилмаган шкаф эшиклари қувватни тортиб олганлиги боис, ҳар гал уларни яхшилаб беркитиш тавсия этилади. Ошхонадаги стол, токчалар ва музлаткични доим артиб туринг. Тўкилмаган ахлат эса ёмон қувватни кўпайтира боради. Шу боис сизда таомдан лаззатланмаслик ҳисси пайдо бўлади. Оила аъзоларингиз билан ҳар куни тортишиб, жанжаллаша бошлайсиз.

Яхши ошхона ёруғ ва кераксиз буюмлар билан қалаштирилмаган бўлади. Чунки кераксиз буюмлар ҳам ёмон қувватларни тўплайди. Ошхонада банка, турли қутиларни йиғманг. Қўл остингизда тез-тез фойдаланадиган буюмларингиз бўлса бас. Ҳар қандай дарз етган пиёла, тарелка, фойдаланилмайдиган това ва кастрюлкалар ҳавони ифлослантиради. Ортиқча мебел ва қутилар қуват оқишини камайтиради. Тиқилиб қолган қувурлар,оқиб ётган кранлар эса шу хонадондан бойликнинг оқиб кетаётганини билдиради.

## ФЭН-ШУЙ ЁРДАМ БЕРАДИ

Ошхонадаги қиррали бурчаклар ёмон қувватлар манбаи ҳисобланади. Шунинг учун бурчакларга тепага ўрмалаб ўсадиган гуллар ёки ўсимликлар ўстирилаётган сопол қўйиш тавсия этилади.

Оила аъзоларингиз билан йиғилиб ўтирадиган стол устида йўғон харининг осилиб туриши эса уларнинг бош оғриғи ёки ошқозон хасталигига чалинишларига сабаб бўлади. Агар харини олиб ташлашнинг иложи бўлмаса, унга қўнғироқ осиб қўйинг. Эшик устига ҳам қўнғироқ ёки чиройли фонар осиб қўйсангиз, уйингизга кириб келаётган яхшиликнинг йўлини ёритадиган бўлади.

# ИДИШЛАРНИ ЮВИШНИ ЎРГАТАМИЗ!

**Идиш- товоқларни ювиш сиз учун жуда зерикарлидек туюлса-да, бу жараённинг ҳам ўзига хос тарихи бор экан. Қадимги ҳиндуларнинг китобларида ёзилишича улар идишларни ювиб қийналмасликлари учун кучукларга ялатиб қўя қолишган. Сарой хизматчилари эса идишларни кул билан ювишган. Шу боис оддийгина кирсовун билан идишларни ювиш ҳам ёмон усул эмас экан.**



*Агар сиз идиш-товоқларни ювиш қизиқарли ва фойдали эканлигига ишонмасангиз қуйидаги маслаҳатларимизга амал қилиб, синаб кўринг:*

➔ Ўзингизга қулайлик ва ҳузур бағишлаш учун севимли мусиқангизни қўйинг ва енгил рақсга тушиб, ўша қўшиққа қўшилишиб хиргойи қилинг.

➔Идиш-товоқларни юва туриб ҳам бел, бўкса, қорин мушакларини зўриқтиринг, сўнг бўшаштиринг. Бу юмушни бажараётиб 400 килокалория қувват сарфлашингизни унутманг.

➔ Шунингдек, идиш юваётган вақтда ёдлашингиз керак бўлган чет тили сўзларини ёки шеърни рўпарангизга қўйиб, ёдлаб олишингиз ҳам мумкин.

Юмушингизни мамнунлик билан бажаришга одатлансангиз, фойдасини сезасиз. Бироқ овқат тайёрлаётган ёки идиш-товоқ юваётган пайтингизда телефонни бўйин ва елкангиз билан қисиб олиб гаплаша кўрманг. Елкангиз ва бўйнингиз оғриб, томирлари қисилиб қолиши мумкин.

Сувнинг шифобахш хусусиятлари борлиги ёдингизда бўлсин. Агар кайфиятингиз расво бўлса-да, идиш синдирманг, яхшиси уларни ювишга киришинг. Идишлардаги қуйқалар ва кирланган сув билан миянгиздаги ёқимсиз фикрлар ва зўриқишлар ҳам оқиб кетяпти, деб тасаввур қилинг.

Энди эса саломатлик қоидасига амал қилган ҳолда, идишларни ювишга киришамиз.

**1.** Аввало қўлларингизга резина қўлқоп кийиб олинг. Чунки кирсовун ва суюлтирилган идиш- товоқ ювиш воситалари терини қуритиб, баъзиларига аллергия беради. Кийиладиган қўлқопингиз қўлингизга мос бўлишига эътибор беринг. Мабодо улар тор бўлса, бармоқларингиздаги қон айланиш бузилиб, карахт бўлиб қолади. Қўлқопни ечганингиздан кейин қўлларингизни чайинг, шунда уларга ўрнашиб қолган резина ҳиди йўқолади.

**2.** Ҳар қандай ҳидланган идишлар (пиёз, саримсоқпиёз, балиқ кесилган тахтакачлар) совуқ сувда ювилса ҳидни тез кетказади.

**3.** Болаларнинг идишларини кимёвий ювиш воситалари ва суньий салфеткалар билан ювиш мумкин эмас. Улар идишларда кўплаб микроблар сақланиб қолишига сабаб бўлади.

**4.** Товаларнинг қопқоғига ўтириб қолган сарғиш ёғ қуйқаларини йўқотиш учун содали ёки кир ювиш кукуни солинган сувда қайнатиб олинг.

**5.** Мис идишлар эса қуйидагича тозаланади: 3 қисм нашатир спирти ва 1 қисм бўр, 6 қисм сув яхшилаб аралаштирилади. Унга латтани ботириб, уни кирланган идишларга сурилади. Қуригач, сим чўтка билан ишқалаб тозаланади. Мис идишлар нафақат чиройли кўринишга эга, балки улар микробларни ҳам йўқотади.

**6.** Пўлатдан ясалган идишларни кир ювиш воситалари билан тозалаш мумкин эмас. Яхшиси сим чўтка билан қайноқ сувда ювинг. Уларни ювгач то қуригунича артиш керак, акс ҳолда тез занглаб қолиши мумкин.

**7.** Сирланган кастрюлкаларда компот ва кисел қайнатиш мумкин, холос. Лекин уларда картошка ва макарон қайнатиб бўлмайди. Агар бу маҳсулотлар идиш тубига ёпишиб қолса, кетмайдиган доғ пайдо бўлади. Шунингдек, сирланган идишлар иссиқ ва совуқ ҳароратларга чидамсиз. Улар совуқ сувда ювилгач дарҳол қайноқ сув билан чайиш мумкин эмас. Бу уларнинг сири дарз кетиб, кўчиб кетишига сабаб бўлади.

**8.** Эски, сирланган идишлардаги кетиши қийин бўлган доғларни суюқ оқартирувчи восита билан ювиш керак. Идиш қуригач совуқ сувда яхшилаб ювилади. Гарчи идиш яхши ювилса-да, кўп ўтмай яна шу ҳолга тушади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

# СИЗ ҚАНДАЙ ҒИЙБАТЧИСИЗ?



Тест

**Дугонангиз сизга эридан ажрашаётганини айтди ва бу ҳақда бошқа ҳеч кимга билдирмаслигингизни илтимос қилди. Сиз эса:**

**а)** сиз дарҳол бу ҳақда бошқаларни хабардор қилишга киришасиз - 2;

**б)** бу сир сизга оғирлик қилмаслиги учун ушбу янгиликни "катта махфий сир" сифатида яна бир дугонангизга айтасиз- 1;

**в)** бу гапни ҳеч кимга айтмасдан сирлигича сақлайман - 0.

**Ҳамкасбларингиз сизни муҳокама қилаётганларини эшитиб қолдингиз. Сиз:**

**а)** изтиробга туша бошлайсиз - 0;

**б)** уларнинг гапини эшитгач, эшитганларингиздан хулоса чиқаришга харакат қиласиз - 2;

**в)** ҳамкасбларингизни ўзингизнинг ҳақлигингизга ишонтиришга ёки уларнинг диққатини тортишга уринасиз - 1;

**Сизнинг олдингизда бошлиғингиз ҳақида ёмон гапларни гапиришаяпти. Сиз:**

а) суҳбатга бажонидил қўшиласиз - 0;

б) аста-секин гап мавзусини бошқа томонга ўзгартиришга ҳаракат қиласиз - 1;

в) суҳбатдошларингизни бошлиқ ҳақида ўзингизда бундан ҳам яхшироқ хабарлар борлигига ишонтира бошлайсиз - 2

**Ишхонангизда яхшигина лавозим ўрни бўшаши кутилмоқда. Нима қилган бўлардингиз?**

**а)** бошлиғингизга ўз номзодингизни тасдиқлаш учун борасиз - 2;

**б)** рақибларингиз ҳақида ёмон гаплар тарқата бошлайсиз - 0;

**в)** ҳаммаёкда ўзингизнинг шу лавозимга муносиб эканлигингиз ҳақида гапира бошлайсиз - 1;

**Қимматбаҳо нарса харид қилишдан олдин, сиз:**

**а)** ўзгаларнинг фикрига қулоқ солмайсиз- 0;

**б)** бундай буюмларни сотиб олишдан аввал дугоналарингизни муҳокама қиласиз- 2;

**в)** сотувчининг фикрига қулоқ соласиз - 1;

**Оила аъзоларингиз билан ишхонангизда бўлган гапларни муҳокама қиласиз:**

**а)** бирор воқеа юз берса ёки ишда хатога йўл қўйсангиз - 1;

**б)** ҳеч қачон муҳокама қилмайсиз - 0;

**в)** ҳар гал, бўш вақтингиз бўлганда - 2

**ЭНДИ БАЛЛАРИНГИЗНИ ҲИСОБЛАНГ:**

**0 дан 3 гача**

Сиз уқувсиз ғийбатчисиз. Расмий бўлмаган хабардан ўз мақсадингизни амалга ошириш учун фойдалана олмайсиз. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг. Сирни очишда хатога йўл қўйиб, ўз обрў-эътиборингизни йўқотишингиз мумкин. Шундай экан кимдир сизга ўз сирини айтишга чоғланса, мулойимлик билан рад эта қолинг.Шундагина кимнингдир сирини сақлаб юришдек оғир юкдан халос бўласиз.

**4 дан 7 гача**

Сиз турли хилдаги махфий хабарларни мароқ билан эшитасиз. Эшитганларингизга янада қўшиб-чатиб гапириб бериш сизга ёқади.

Шу йўл билан сиз бошқаларнинг кўзи олдида ўзингизни кўрсатмоқчи бўласиз. Бу натижа берадиган усул эмас. Яхшиси ҳар бир янгиликни бошқалардан эшитишга одатланинг. Ана шундан кейингина юрак ва ақлингиз буюрганини бажаришга одатланинг.

**8 дан 12 гача**

Сиз "тўғри" ғийбатчисиз. Сиз ҳар доим бошқаларнинг иши билан қизиқасиз. Танишларингиз ва дугоналарингиз орасида ўзингизни садоқатли дўстдек кўрсатасиз. Бошқаларнинг шахсий ҳаётидаги ғам-андуҳли ва қувончли ҳаётидаги батафсил маълумотларни эшитгач кимнингдир аҳволи анча оғир эканлигидан енгил тортасиз. Қанчалик истаманг, эшитган маълумотингизни ҳеч қачон айтиб берган кишининг ўзига қарши ишлатмайсиз.

**ГУЛБАШАКАР тайёрлади.**




**814** **Ёшим 45 да.** Асли тошкентликман. Тақдиримда бор экан, эрим билан ажрашдик. Бир қизим бор. Ўз уйимда яшайман. Ораста, оғир вазмин ва ўйлаб иш тутадиган аёлман.

55 ёшгача бўлган, зарарли одатлари йўқ, ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, ёлғиз ёки аёли вафот этган, диёнатли эркак билан танишиб мустаҳкам оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Юлдуз**

**815** **Ёшим 31 да.** Бир ўғлим бор. Биринчи турмушим бузилган. Нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман, касбим шифокор. Тошкент шаҳрида, ўз уйимда яшайман. Келишган, замонавий, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган аёлман. 35-50 ёшгача бўлган, қаерлик бўлишининг аҳамияти йўқ, Тошкент шаҳрида ўзининг уй-жойи бўлган, кўркам, жиддий, боламга оталик меҳрини бера оладиган эркак билан турмуш қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Феруза**

**816** **Ёшим 25 да.** Тошкентликман. Бўлажак шифокорман. Орзу-умидлар билан қурган оилам бузилиб, бир қизчам билан ажрашиб кетдим. Ҳозир ота-онам билан яшайман. Бўй-басти келишган, кўркам жувонман. 35 ёшгача бўлган, алоҳида уй-жойли, ўқимишли, баланд бўйли, оиласини ва аёлини қадрлайдиган эркак билан оила қурсам дейман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Чарос**

**817** Асли қашқадарёликмиз. Қизимнинг **ёши 33 да.** У ҳали турмушга чиқмаган. Тошкент шаҳрида яшаб, шу ердаги нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайди. Келишган, ақлли ва уйим-жойим дейдиган қизимнинг бахти очилишини, бахтли оила қуришини жуда-жуда истайман. 45 ёшгача бўлган, қаерлик бўлишининг аҳамияти йўқ, уй-жойли, жиддий, аёлининг кўнглини тушунадиган, ҳурмат қиладиган эркак бўлса овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**Лобар**

**818** Асли Қашқадарёданман. **Ёшим 42 да.** Тақдиримда бор экан, ҳалигача турмушга чиқмадим. Ўзимнинг уй-жойим бор. Ишлайман. 55 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки вилоятлардан бирида яшайдиган, уй-жойли, ақлли-хушли, меҳрибон эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зулфия**

**819** **Ёшим 33 да.** Қорақалпоғистонликман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Уй-жойим йўқ. Озодалик, саранжом-саришталикни ёқтираман. 45 ёшгача бўлган, ажрашган ёки аёли вафот этган эркак бўлса танишиб, оила қурсак деган ниятим бор. Шундай эркаклар бўлса, овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**Умида**

**820** Асли жиззахликман. Лекин ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. **Ёшим 38 да.** Ажрашганман. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бир нафар болам бор. Кўркам, саранжом-саришта, уй-рўзғор ишларини ўрнига қўядиган аёлман.

48 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам Тошкентда ўз уйи бор, олий маълумотли, фарзандимга оталик меҳрини бериб, кўнглини ўкситмайдиган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Дилбар**

**Оила бўлими телефони: 233-04-50**

**821** Тошкент вилоятида яшаймиз. Синглимнинг **ёши 30 да.** Турмуши бузилган. Битта ўғли бор. Маълумоти олий, нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайди. 40 ёшгача бўлган, Тошкент вилояти шаҳар ёки туманларидан бирида яшайдиган, ишлайдиган, уй-жойли йигит бўлса, синглимни узатган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Нигора**

**822** Асли наманганликман. **Ёшим 32 да.** Уйланмаганман. Маълумотим олий, давлат ишида ишлайман. Келишган, кўркам йигитман. Топиш-тутишим яхши. Агар уйлансам аёлим билан хорижий давлатларга биргаликда саёҳатга бориб келиш ниятим бор. Ақлли, олий маълумотли, чиройли, қўлида бирор ҳунари бўлган, ажрашган аёлга (боласи бўлса ҳам майли) ёки қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Давронжон**

**823** Асли сурхондарёликман. Ажрашганман. **Ёшим 33 да.** Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида уйим бор. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 30 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, пазанда бир қиз ёки аёл бўлса уйланар эдим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Умид**

# БАХТИНГИЗ ЯРИМ БЎЛМАСИН

**824** - Мен Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманиданман, исмим Фарҳод. Миллатим ўзбек. **Ёшим 30 да.** Лекин ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман, бир иш билан келгандим, - дея гап бошлади хонага кирган баланд бўйли, кўркам йигит.

**- Қани, гапиринг-чи?**

- Олти нафар ака-укаларимнинг энг кенжасиман. Онамнинг айтишича тўрт ёшга тўлганимда отам вафот этган экан. Ота меҳрига тўймай ўсдим. Мен мактабни битирган пайтда эса онам касал бўлиб ётиб қолди. Беш йил онамни парваришладик. Мана, вафот этганига ҳам икки йил бўлди. Энди мени ўйлайдиган меҳрибоним йўқ. Акаларимнинг эса ўз ташвишлари бор, мени бўлса ёшим ўтаяпти...

**- Демак, оила қуриш ниятидасиз, шундайми?**

- Ҳа, ўз оилам бўлса, ота-онам ўтган уйнинг чироғини ёқиб ўтирсам, дейман... Онам касал бўлмаганида-ку, уйлантириб қўярди. Лекин у вақтда дори-дармон дегандек... Камхаржроқ эдик. Чунки бизда қалин пули жуда катта, тўй харажатларини йигит томон кўтаради-да. Мана энди ўзим ишлаб пул топаяпман, худога шукр.

Тошкент шаҳрида ўз қурилиш бригадамни тузганман, шуларга бошчилик қиламан. Уйланишга қурбим етади. Қаерлик бўлса ҳам камтар, 26 ёшгача бўлган, оқила, уй-рўзғор ишларини жойига қўядиган қизга уйланмоқчиман. Бўлажак хотинимни моддий томондан таъминлай оламан. Фақат кўнглимни тушунса, хонадонимга файз кирита олса бас...

* * *

**825** - Асли тошкентликман. **Ёшим 42 да.** Исмим Сарвар. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Тезроқ уйланиб, оила қурмасам бўлмайди. Уйланишни шунча йил орқага ташлаб юрдим, кекса онам эса ҳар куни йиғлайди... - дея гап бошлади навбатдаги йигит.

**- Нега ундай қилдингиз, сабаби борми?**

- Сабаби йўқ. Балки иккинчи бор адашишдан чўчидимми, билмайман. Бўлмаса нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман, топишим яхши. Оиламни таъминлашга таъминотим бемалол етиб ортади. Лекин... Биласизми жуда кўп қизлар, аёллар билан учрашиб кўрдим. Менга ёқадиганига мен ёқмадим, мени ёқтирганига ўзимни кўнглим чопмади.

Бу орада йиллар ўтиб кетди. Аслида унчалик беўхшов эмасман, кўриб турибсиз. Лекин нима учун ҳануз бахтим очилмаганига хафа бўлиб кетаман. Қани эди бир 35 ёшгача бўлган, (майли бир қизчаси бўлса ҳам), ораста, оғир-вазмин ва хушрўй, тошкентлик бир аёл овоз берса-ю, уйланиб ширин оила қурсам...

* * *

**826** - **Ёшим 51 да.** Тошкент шаҳриданман. Аёлим хаста эди, вақти соати етиб бандаликни бажо келтирди. Уйлик-жойлик қилмаган биргина ўғлим иккимиз қолдик, - дея гап бошлади ўзини Аброр ака дея таништирган киши.

**- Таҳририятимизга оила қуриш масаласида келдингизми?**

- Шундай. Мен ишлайман, ўғлим ўқийди. Иккимиз ҳам кўчадан оч-наҳор уйга келамиз. Шу пайтда бир пиёла чойни дамлаб ичиш ҳам жуда малол келади. Қани энди бир аёл бўлса-ю, эшикдан кирганингда ҳаммаёқ ораста, озода ва лаззатли бир таомнинг ҳиди анқиб турган бўлса, деб ўйлайман баъзан.

Лекин бунинг учун аввало мен ҳаракат қилишим зарур. Чунки ўғлим ҳали ёш. 45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, турмуш ўртоғи вафот этган, ажрашган ёки турмушга чиқмаган қиз бўлса уйланар эдим.

* * *

**827** - Асли Урганчданман. **Ёшим 34 да.** Исмим Муборак. Умид билан қурган турмушим жиддий сабабларга кўра бузилди. Ажрашганман. Бир фарзандим бор. Ишим, топиш-тутишим яхши, лекин... Кўнглим ярим...- дея гап бошлади у.

**- Ҳозир қаерда яшайсиз?**

- Ота-онам Тошкентдан уй олиб беришган. Шу ерда болам билан яшайман. Нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман. Ишхонамда ҳам обрў эътиборим ёмон эмас. Аллоҳ чиройдан қисмаган. Аммо, ҳамма нарсангиз бут бўлса-ю, бахтингиз бут бўлмаса қийин экан. Ота-онам ҳам мени деб изтироб чекишади. Мендан ҳам уларга қийин бўлди.

Ёшим ўтмасидан ўз ҳаётимни қурсам дейман... 45 ёшгача бўлган, Тошкентда ўз уйи бор, олий маълумотли, ишлайдиган , кўркам эркак билан танишиб оила қурсам дейман...

* * *

**Азизлар! Чиндан ҳам инсоннинг аввало бахти бутун бўлсин! Қолган нарсани ҳаракат қилса топиши мумкин. Ўз орзуларидаги бахтни излаган қаҳрамонларимизнинг манзиллари эса таҳририятда.**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.***

# Ўйлатадиган гап-сўзлар...

- Менга 60 ёшдан ўтган бўлса ҳам, ҳали тетик, машина ҳайдашни биладиган чол керак. Уй-жойи бўлмаса ҳам майли. Ўзимнинг уй-жойим бор. Машинам бор, шуни ҳайдаб, мени айтган жойимга олиб бориб, олиб келиб юрса бўлгани...

* * *

- Ажрашиб кетишимизга сабаб қайнонам билан чиқиша олмадик. Уларникида иккита мушук ва битта кучук бор экан. Лекин шу ҳайвонларнинг идишларини ўзлари овқат еган идишлар билан бирга, битта раковинада ювишар экан. Бундай иш ҳаром эканини айтсам, ҳеч ким тушунишни истамайди. Кампир эса ҳайвонларнинг идишларини бизнинг коса-товоқлар устида ювишини канда қилмасди.

* * *

- Газетадаги эълон орқали бир эркак билан танишдим. Эркакнинг уй-жойи қандайлигини кўрмоқчи бўлдим. Уйида дастурхонга нуқул консерва очиб қўйди, яна нуқул русча-ўзбекча сўзларни аралаштириб, "чўрт", "пўрт " қилиб гапирар экан. Унга турмушга чиқсам яқинларим устимдан кулишмайдими?

**БАСИРА тайёрлади.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 18:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 14125

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6 7 8